

Усмонжон Эргашевич Раҳимов
Коса коса тагида ним коса
СЎЗНИНГ МАЪНО ЖИЛОЛАРИ

Сўз ва унинг маънолари ҳақида турлича фикрлар ҳамда қарашлар бор.¹ Сўз кўп қиррали мураккаб бутунлик бўлиб, дастлабки қарашда икки томони кўзга ташланади. Биринчидан, моддий ифодаловчи – товуш томони, иккинчи маъно томони. Сўзнинг товуш томони тилшуносликнинг фонетик-фонологик сатҳида текширилса, мазмун томони ўз хоссаларига, асосларига кўра бир қанча соҳаларнинг текшириш объекти бўлади. Тилдаги “мактаб” сўзи моддий жиҳатдан м, а, к, т, а, б каби товушларнинг ўзаро кетма-кетлигидан ташкил топган бутунлик бўлганлиги учун фонетик-фонологик таҳлил этилади. Шу моддийлик асосидаги “мактаб” сўзининг объектив оламдаги бирор бир предмет билан боғлиқ бўлган маъноси, яъни ўқувчилар таълим-тарбия оладиган “даргоҳ”ни ифодалаши лексикологияда ўрганилади. “Мактаб” сўзининг “тош”, “сув”, “пахта” сўзлар сингари объектив борлиқдаги предметлик тушунчасини ифодалаб, от сўз туркумига бирлашиши грамматикада ўрганилади. Кўринадикки, сўз кўп қиррали мураккаб бутунлик ҳисобланади. Шунинг учун сўзнинг турли хусусиятларини очиш ва изоҳлашга уринишлар, қизиқишлар кўп. Биз сўзнинг маъно жилоларини ҳамда шу маъно нозикликлар асосидаги қудратини очишга ҳаракат қиламиз.

Шубҳасиз, сўз юқоридаги хусусиятлари билан бир бутунликни ташкил этади. Бу бутунлик ўзаро муносабатдорликдаги аъзоларнинг алоқа мажмуасидан ташкил топган системадир.² Система худди организм сингари бир-бирисиз яшай олмайдиган узвларнинг мураккаб қурилмаси ҳисобланади. Шунинг учун сўзнинг барча қирралари яхлит ҳолда текширилмаса, чалкашликларга олиб келади. Бобомиз Алишер Навоий “Сўз дурредурким, анинг дарёси кўнгилдур”³, - деб сўзнинг икки хусусиятига ишора қилади. Ҳақиқатан, сўз дуру гавҳар сингари инсоннинг кўнгил дарёсида яширингандир. Навоий сўзни имконият сифатида тил хазинасига қарашли эканлигини таъкидлаб, унинг фаолиятини нутқ билан боғлайди. Чунки сўз нутқий жараёндагина фаолият кўрсатиб, турлича маъноларга ишора қилади. Шунинг учун сўз ҳақидаги қарашларнинг кўпчилигида “белги” остида изоҳлангандир.⁴ Сўз бирор бир тушунчанинг материал ифодаловчиси - қобиғи бўлиб, инсон онгидаги ёки умумий билиш хазинаисдаги тушунчалар силсиласига таъсир этади ва муайян нутқий шароитда турлича маънолар касб этади. Шу жиҳатдан сўз номлаш вазифасини бажаради ва ўзи англатган тушунчанинг моҳиятини ва

¹ Қаранг: М.Қошғарий. Девону луғотит турк. Тошкент, 1960 йил; А.Навоий. Асарлар. Тошкент, 1967 йил, 14-том, 105-бет; А.Навоий. Ҳайрат-ул-аброр. Тошкент. 1983 йил, 7-бет; А.Нурмонов ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент, 1972 йил, 126 бет; М.Миртожиев, Н.Маҳмудов. Тил ва маданият. Тошкент, 1992 йил, 81-бет; Х.Неъматов, О.Бозоров. Тил ва нутқ. Тошкент, 1993 йил, 6-27-бетлар; В.Виноградов. Русский язык. Москва. 1986 йил; В.Б.Касевич. Семантика. Синтаксис. Морфология. Москва, 1988 год; А.Нурмонов.

Лисоний белги хусусиятлари ҳақида. Андижон, 1992 йил

² А.Нурмонов. Лисоний белги хусусиятлари ҳақида. Андижон, 1992 йил, 5-бет; А.Нурмонов. Гап ҳақидаги синтактик назариялар. Тошкент, 1986 йил

³ А.Навоий. Асарлар. 14-том. Тошкент, 1967 йил, 105 бет

⁴ Қаранг: А.Нурмонов. Лисоний белги хусусиятлари ҳақида. Андижон. 1992 йил

табиатини кўрсатмайди. Шу сабабдан маъно моддий қобиг билан бирлашиб,¹ тушунчалар силсиласига таъсир этади.

Нутқий жараёнда сўзларнинг маъно жилолари тушунчалар мослиги асосида юзага келади. Тушунчаларнинг мослиги ҳаётӣ тажрибалар, умумий билиш хазинамизнинг ҳамда муайян нутқий шароит билан боғлиқдир. А.Нурмонов сўзнинг объектив оламдаги бирор предмет, воқеа-ҳодиса, миқдор, белги, ҳаракат, ҳолат, жараёнлар билан икки хил муносабатда бўлишини кўрсатади. Яъни, сабаб-натияжали (мотивланган) ва шартли (мотивланмаган) муносабатлар борки, улар инсон онгида акс этгандагина белгилашади деб таъкидлайди². Шу сабабдан бир сўз бир вақтнинг ўзида бир қанча тушунчаларга ишора қилиши мумкинки, бу муайян нутқий шароит ҳамда сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги муносабатлар асосида кечади. Масалан “гул” сўзини эшитиш орқали тушунча пайдо бўлади. Тушунча эса гулнинг моҳиятини, хоссаларини онда акс эттиради. Шу сўз англатган ўсимлик маъноси “гул – г-у-л” товушлар кетма-кетлиги билан инсон томонидан ўрнатилган шартли алоқани билдиради.³ Шунинг учун биз тушунча акс эттирган моҳият, хосса, хусусият асосида сўзларнинг маънолар жилосини ҳосил қиламиз. Яъни, гул – инсонга завқ берувчи, гўзал, тиконли, турли рангда очилувчи каби хусусиятларини шартли (мотивланмаган) муносабатлар асосида бошқа предметларга тиркаймиз ва гул сўзининг маънолар сил-силасини яратамиз. Шартли муносабат орқали “гул” сўзи жабр қилувчи маъшуқа, касаллик, яшнаб очилиш, безак каби маъноларни ифодалайди. Лекин “гул” сўзининг моҳияти, маъно тизимига хусусиятларидаги ўхшашлик асос бўлади. Шунинг учун гапда битта маъноси юзага чиқади. +олган маънолари сўзловчи ва тингловчининг умумий билиш хазинасида имконият тарзида туради. Имконият тарзидаги маънолар мажмуаси сўзнинг маъно жилосини ташкил этиб, мазмуний мураккабликни юзага келтиради. Шу сабабдан сўз ўзаро алоқадорликдаги узвлар мажмуасидан ташкил топган бутунлик деб изоҳланади⁴. А.Навоий сўзнинг бундай хусусиятини “... жомӣ маонийи жузв ва кулдури” деб кўрсатади.⁵

Сўзнинг маънолар жилоси нутқда намоён бўлади. Чунки сўз имконият сифатида тилда мавжуд бўлса, фаолият сифатида нутқда иштирок этади.⁶ Нутқдаги сўзнинг иштироки чексиз ва чегарасиздир. Сўзнинг фаолиятини А.Навоий қуйидагича изоҳлайди: “Кўнгулдин доғи сўз дурри нутқ шарафига соҳиби ихтисос василаси билан гузориш ва ороиш кўргузар ва анинг қиймати ҳам мартабаси нисбатига боқа интишор ва интиҳор топар. Гавҳар қийматига нечукки, маротиб асру кўпдур, хаттоки, бир дирамдин юз тумангача деса бўлур”¹. (Мазмуни: Кўнгилдан яна сўз дури нутқ мартабасига мутахассис воситасида нақл қилиш орқали тартибланади ва унинг қиймати ҳам

¹ Нурмонов А. Ёша китоб. 10-бет

² Нурмонов А. Ёша китоб. 7-бет

³ Нурмонов А. Ёша китоб. 7-бет.

⁴ +аранг: А.Нурмонов. Лисоний белги хусусиятлари ҳақида. Андижон, 1992 йил; Ҳ.Нуъматов, О.Бозоров. Тил ва нутқ. Тошкент, 1993 йил; Э.Бенвенист. Обҳая лингвистика. Москва, 1974 йил

⁵ А.Навоий. Асарлар. 14-том, Тошкент. 1967 йил, 105-бет

⁶ +аранг: А.Нурмонов. Ёша асар. Андижон, 1992 йил

¹ А.Нурмонов. Ёша асар. Андижон. 1992 йил, 105-бет

мартабасининг нисбатига қараб тарқалади ҳамда шуҳрат топади. Гавҳар қийматига нисбатан жуда кўпдир, ҳаттоки, бир дирамдан юз тумангача деса бўлади). Кўнгил тил хазинаси бўлса, нутқ тил хазинасидаги бойликни сарф қилувчи бозордир. Бозорга яхши нарсаларни тартиб қилиш савдогарнинг маҳоратига боғлиқ. Шунинг учун нутқий баркамоллик сўзлардан ўринли фойдаланиш асосида юзага келади. Бундан шу нарсанг аниқлашадиги, нутқ имконият сифатидаги тил асосида бирор шахснинг мақсадини (кенг маънода) рўёбга чиқариш маҳсулидир.² Бу ҳолат сўз маъно жиоларининг “нутқ мартабасида оройиш” топишини таҳлил қилинганда, яна ҳам тушунарлироқ бўлади. Масалан, Умар Ҳайём рубоийларида “кўз” сўзи куйидагича маъноларни ифодалаб келади:

1. Шўрлик умримизга чарх сиртмоқ - камар,
Жайхун кўзимизнинг ёшидан асар,
Беҳуда ранжимиз дўзах учқуни,
Жаннат – умримизда тинч бир дам магар.
2. Хўрагимни майла тўкис-бут қилинг,
Қаҳрабон юзимни нақ ёқут қилинг,
Жаҳондан кўз юмсам, шаробға ювиб,
Ток зангидан менга бир тобут қилинг.
3. Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,
Ақл кўзин қораси – гавҳари ҳам биз.
Тўғарак жаҳонни узун деб билсак,
Шаксиз унинг кўзи – гавҳари ҳам биз.

Биринчи ва иккинчи рубоийларда “кўз” сўзи инсон организми – кўриш аъзоси маъносини билдирса, учинчи рубоийда эса “ақл кўзи”, “узукнинг кўзи” маъносини ифодаламоқда. Бундай маъно серкиралилиги тилшуносликда кўпмаънолилик полисемия атамаси остида изоҳланади.³ Кўп маънолилик асос маъно доирасида юзага келади. Юқоридаги кўп маънолилик ҳам ана шундай асосда майдонга келган. “Кўз” сўзининг бош – асос маъноси инсоннинг кўриш аъзосини ифодалашдир. Шу маъно асосида тушунча пайдо бўлади. Тушунча инсон кўриш аъзосининг барча хосса ва хусусиятларининг мажмуаси сифатида онгимизда акс этади. Яъни, кўз – кўриш аъзоси, шаклан думалоқ, тузилиш жиҳатдан қорачиғ, жавҳар, кўз косаси ва ҳоказолардан иборат. Бундай хусусиятлар кўз сўзининг маъно тўпламидан жой олган ва ўзаро ўхшашликка қараб бошқа предметларга, абстракт – мавҳум маъно ифодаловчи сўзларга кўчади. Масалан, инсон кўзи, ақл кўзи, булоқнинг кўзи, деразининг кўзи, ишнинг кўзи, узукнинг кўзи, элакнинг кўзи каби. Бу ҳолатнинг пайдо бўлишига шаклий, вазифавий жиҳатдан ўхшашлик сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги ўзаро шартномавий муносабат ҳам мавжудки, у нутқий жараёндаги маънолар жиолсини тушунишда ёрдам беради. Ҳар доим асос – бош маънога қараб, шу доирадан ташқарига чиқмаган ҳолда юзага келади. Масалан: “бош” сўзининг “бошланиш қисм” маъноси “йўлнинг

² Ҳ.Неъматов, О.Бозоров. Тил ва нутқ. Тошкент, 1993 йил, 5-бет

³ Шоабдурахмонов Ш ва бошқ. Ҳозирги ғзбек адабий тили. Тошкент, 1980 йил. М.Мирзаев ва бошқ. Ўзбек тили. Тошкент, 1972

боши”, “ишнинг боши”, “кўчанинг боши”, “жанжалнинг боши” каби маъноларга асос бўлган. Ёки юқоридаги учинчи рубоийдаги ақл – умумий билимлар мажмуаси, у объектив оламда предмет сифатида талқин қилинмайди. Лекин инсоннинг хатти-ҳаракатларини бошқаради, яхши ва ёмон йўлларга (ақлнинг қудратига боғлиқ ҳолда) бошлайди. Шунинг учун Умар Ҳайём ақл сўзи орқали жонли мавжудотни ифодалаб, унга “кўз” сўзини боғлайди ва ҳатто кўз узвларидан жавҳарни ҳам ақлга тааллуқли деб изоҳлайди. Бунда у инсон кўзининг вазифавий хусусиятини асос қилиб олади. Кейинги қаторда “кўз” сўзини узукка боғлаб, инсон “кўз”ининг шаклий жиҳатини асос қилади ва сўзнинг маъно жиоларига бурканган гўзал ҳамда қуйма мисралар тузади. Шунинг учун сўз гўзаллик сифатида ҳам имконият сифатида мавжуддир десак, хато бўлмайди. Гўзалликни эса турли нутқий жараёнларда “кўнгил дарёсидан” излаб топиб, яратамиз.

Дарҳақиқат, А.Навоий “... дарёдин гавҳар ғоввос воситаси била жилва намоиш қилур ва анинг қиймати жавҳарига кўра зоҳир бўлур”, - деб бежиз айтмаган.¹ Чунки биз – нутқ ирод қилувчи - ғоввосмиз, тил – дарё, дуру гавҳарлар – сўз, гавҳарлар бозори – нутқдир. Шундай экан, биз тил дарёсидан дуру гавҳарларимиз жавҳари – сўзларимизнинг маъно юки, гўзаллиги, нозиклигига қараб белгиланади. Бунинг учун тилда жуда катта имкониятлар хазинаси мавжудки, улардан ўринли фойдаланиш маҳорати бизнинг нутқий лаёқатимизга боғлиқ.

Нутқий лаёқатимизни намоиш қилишнинг чеки-чегараси йўқ. Бунга тилдаги лисоний ҳодисалар ёрдам беради. Юқорида кўриб ўтган кўпмаънолилиқ ҳодисаси ҳам нутқий гўзалликни таъминловчи омиллардан биридир. Худди шундай ҳодисалардан яна бири маънодошлиқдир.

Маънодошлиқ тилшуносликда синонимия атамаси остида изоҳланади.² Бу ҳодиса ҳам гўзал ва нафис, таъсирли ҳамда мазмундор нутқнинг юзага келишини таъминлайдиган лисоний ҳодисалардандир. Бунда лисоний бирликлар шаклан – моддий қобиғ жиҳатдан фарқли бўлса-да, маъно жиҳатдан умумийликка эга бўлади, лекин маъно жилоси, нозиклиги, бўёғи билан ажралиб туради. Бу ҳодисани юзага чиқиши сўзлар доирасида яна ҳам яққолроқ кўзга ташланади. Масалан: кекса, қари, оқсоқол, нуроний, мўйсафид каби сўзлар “ёши ўтган” маъноси билан умумийлик касб этсада, лекин, маъно нозиклиги билан нутқда фарқланади. Чунки “қари” сўзида салбий маъно нозиклиги бўлса, “оқсоқол”, “нуроний”, “мўйсафид” сўзларида ижобий маъно нозиклиги бор. Шунинг учун нутқда бирининг ўрнида иккинчисини қўллаш ғализликка олиб келади. Солиштиринг: қари қизлар, кекса қизлар, нуроний қизлар . . . Аммо бу сўзларнинг ўз ўрни ва ишлатилиш доираси бор. Юқоридагига ўхшаш сўзларнинг ўз жойида ишлатилиши нутқий гўзалликни таъминлайди ёки таъсирчанликни юзага келтиради. Шуни унутмаслик керакки, нутқий жараён бир катта уммон, унда сўзларнинг хилма-хил маънолари жилва қилиши мумкин. Шу сабабдан салбий маъно бўёғига эга бўлган сўз ҳам ижобий маънода ишлатилиши мумкин. Масалан: Бундан кўра гўнг титганинг яхши

¹ А.Навоий. Асарлар. 14-том. Тошкент, 1967 йил, 105-бет

² А.Ҳожиёв. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. Т., 1974, 3-бет

эмасми қари товук?”, “+ари билганни пари билмас”. Биринчи гапда “қари” сўзи салбий маъно бўёғига эга бўлган ҳолда қатнашаётган бўлса, иккинчи гапда ижобий маънода ишлатилапти. Ёки куйидаги Жалолиддин Румийнинг рубоийсидаги сўзлар маънодошлигини олиб кўрайлик:

1. Нафсим итини дедимки мен, пир айлай,
Тавба ипидин бўйнига занжир айлай.
Ҳар ерда ҳаром кўриб вале ул кўппак,
Занжирни узар бўлса, не тадбир айлай?
2. Лутфинг била тош парчаси жонона бўлур
Нутқинг, санамим, агарда мастона бўлур.
Ногоҳ икки зулфингни кўрар бўлса, ишон.
Луқмони Ҳаким ошиғи девона бўлур.¹

Биринчи рубоийда “ит”, “кўппак” сўзлари маънодош ҳисобланади. Лекин “ит” сўзига нисбатан “кўппак” сўзида салбий маъно жилваси кўпроқ. Чунки “кўппак” сўзи ҳар нарсага ўзини ташлайдиган, доимо аккиллаб турувчи итга нисбатан ишлатилади. Шунинг учун “кўппак” сўзи ўрнида “ит” сўзи ишлатилади. Шунинг учун “кўппак” сўзи ўрнида “ит” сўзи ишлатилганда, ўзаро муносабатдорликдаги алоқага ва маънога путур етмасада, аммо маъно нозиклиги, маъно юкининг оғирлиги шикаст кўради. Чунки “ит” сўзининг ижобий маъно жилоси “пир” ва “нафс” сўзининг маъно муносабати асосида юзага келаяпти. “Кўппак” сўзининг салбий маъно жилоси “ҳаро” ва “занжир” сўзининг маъно муносабатидан ҳосил бўлган. Шу сабабдан бу сўзларнинг ўрнини, гарчи маъно умумийлиги бўлса ҳам, алмаштириш мазмуний ғализликни келтириб чиқаради. Агар иккала жойда ҳам “ит”, ёки “кўппак” сўзи ишлатилганда мазмуний камбағаллик бўларди.

Бундан ташқари 1-рубоийда “ит” сўзи нафс сўзи боғланиб кўппамаънолилик ҳодисасини юзага чиқармоқда. Чунки “ит” сўзи остида кўринган нарсага ўзини ташлайдиган ҳайвон маъноси ифодаланади. “Нафс” ҳам инсонни турли йўлларга етакловчи эҳтиёж ҳисобланади. Шунинг учун улар ўртасида бош маъно асосидаги ўхшашлик борки, улар ўзаро боғланиб, чиройли ва таъсирли нутқни рўёбга чиқарган. Ахир халқимиз “Менинг нафсим балодур, ўтдан чўғга солодур” деб бекорга айтмаган. “Нафс” сўзининг тасаввуфий маъноси ҳам мавжуд бўлиб, рубоий мазмунини яна ҳам чуқурлаштириб, мазмуний мураккабликни ҳосил қилаяпти. Бу хусусида кейинги қисмларда алоҳида тўхталамиз. Демак, маънодош сўзларнинг ўз ўрни ва доирасида ишлатилиши ҳам нутқий гўзалликни таъминлайди.

Яна шундай лисоний ҳодисалардан бири шаклдошлик ҳисобланади. Шаклдошлик ҳодисаси тил илмида омонимия атамаси остида изоҳланади.¹ Бунда лисоний бирликлар моддий қобиг - шаклий жиҳатдан ўхшаш бўлади, лекин маъно жиҳатдан бошқа-бошқа хусусият касб этади. Ёки моддий қобиғи бир хил бўлиши шаклдошликни келтириб чиқаради. Масалан: от-исм, от-ҳайвон, от-феъл. Шаклдошлик ҳам сўзнинг маъно жилоларини намоён қилувчи лисоний ҳодисалардандир. Чунки шаклдошлик моддий қобиғи

¹ 333 рубоий. Тошкент. 1991 йил, 61-63 бетлар

¹ Қаранг: М.Мирзаев ва бошқалар. Ўзбек тили. Тошкент, 1973-йил

жиҳатдан ўхшаш бўлганлиги учун нутқда оҳангдошликни юзага келтиради. Натижада нутқий равлонлик пайдо бўлади. А.Навоий шаклдош сўзлардан усталик билан фойдаланиб, қуйидагича мисралар яратганки, унда ҳам шаклий, ҳам мазмуний гўзаллик акс этган:

1. Ё раб, ул шахду шакар ё лабдурур,
Ё магар шахду шакар ёлабдурур.
Жонима пайваста новак отқали
Ғамза ўқин қошига ёлабдурур.
2. Жавр ўқин жонимга соқий ёзмади,
Васл жомидин хуморим ёзмади.
Кимки қудрат сабзахотлар ишқидин
Ўзга иш олимга гўё ёзмади.

Шаклдошлик ташқи кўриниш жиҳатдан бўлганлиги учун товушлар сил-силасида акс этади. Шунинг учун кўпгина илмий талқинларда “товушдошлик” атамаси остида ҳам изоҳланади.² Аммо товушдошлик шаклдошликни таъминловчи асос бўлиб, кўпинча бир товуш билан фарқланувчи тил бирликлари учун ишлатилади. Масалан: дуб-буп, туп-туп . . . Тилшуносликда омофон атамаси остида изоҳланади. Бу ҳодиса ҳам нутқий равлонликни ва шаклий ҳамда мазмуний гўзалликни юзага келтиради.¹ Нутқий гўзалликни таъминловчи омиллардан яна бири зидланишдир.² Зидланиш ҳодисаси тилшуносликда антонимия атамаси остида талқин этилади.³ Зидланишда тил бирликлари маъно жиҳатдан қарама-қарши бўлади. Маънодаги қарама-қаршилик ўзаро боғлиқ ҳолда юзага чиқади. Шунинг учун бундан тил бирликларининг бирини эшитишимиз билан иккинчиси эсга келади. Булар ҳудди бир нарсанинг икки юзига ўхшайди. Бири олд юзи, иккинчиси – орқа томони. Шу сабабдан улар ўртасидаги зидланиш оддий тартибдаги қарама-қаршиликдан эмас, балки ўзаро алоқадорликдаги муносабатдан келиб чиққан дейишимизга асос бор. Масалан: аччиқланишли бирикмани ҳосил қилмайди. Аччиқ сўзига чучук сўзи қарама-қарши қўйилади. Ширин сўзига бемаза сўзи қарама-қарши туради. Ёки халқимизда “турмуши аччиқ бўлди”ни қарама-қарши қўйиш нутқий ғализликни келтириб чиқаради. Шунинг учун зидланиш ҳодисасидаги алоқадорлик маъно қарама-қаршилиги жиҳатидан бўлса ҳам, аммо нутқий жараёндаги ўзаро маънолар мослигини ҳисобга олмай ҳукм чиқариб бўлмайди.

1. Юз очиб келгил, эй махваш, қуёш янглиғ хиром айлаб,
Бошимга солди савдо фурқатинг субҳимни шом айлаб.
2. Ваҳки, айлаб лутфу ихсон ёр мандин ўзгага,
Айламас зулму ситам изҳор мандин ўзгага.

Улуғ шоир Огаҳий биринчи байтда “субҳ” билан “шом”, иккинчи байтда “лутфу ихсон” билан зулму ситам” сўзларини ўзаро нутқий алоқадорликдаги

² А.Рустамов. Сыз хусусида сўз. Тошкент, 1987 йил. 13-бет

¹ А.Рустамов. Ўша китоб. 14-22 бетлар

² А.Рустамов. Ўша китоб. 14-22-бетлар

³ Қаранг: М.Мирзаев ва бошқ. Ўзбек тили. Тошкент, 1972 йил. Ш.Шоабдурахмонов ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1980 йил. А.Рустамов. Сўз хусусида сўз. Тошкент. 1987 йил

зидланишидан гўзал мисралар яратган. Байтлардаги мазмуний гўзаллик ва мураккаблик шу сўзларнинг зидланишидан юзага келган.

Бундан ташқари зидланиш ҳодисаси сўзлар доирасида услубий мосликни ҳам талаб этади. Масалан “субҳ” сўзига “кечқурун” ёки “кечки пайт” сўзлари қарама-қарши турса ҳам, лекин нутқда уларни зидлантириш учун услубий бўёқдорлик жиҳатдан мос келадиган “шом” сўзи қўлланмаса, нутқий ғализлик келиб чиқади. Шунинг учун услубий мослик ва нутқий равонлик асосидаги зидланиш гўзалликни таъминлайди. Огаҳийнинг қуйидаги байтларида зидланиш муносабатидаги гўзаллик ва теранликни яна ҳам яққолроқ англашимиз мумкин:

Эй шах, карам айлар чоғи тенг тут ёмону яхшини,
Ким меҳр нури тенг тушар вайрону обод устина.
Чу сансан ҳусн мулки шаҳиким, хоки жанобингга
Куяр ҳар лаҳза бошин ҳўблар ўзнг и гулом айлаб.

Юқоридаги байтларда ёмон-яхши, вайрон-обод, шоҳ-гулом сўзлари ўзаро зид маъно ифодаласа ҳам байтнинг мазмуний теранлигини таъминлаган. Шунинг учун зид маъноли сўзларнинг ўз ўрнида ва доирасида ишлатилиши нутқий гўзалликни юзага келтирувчи омиллардан бири ҳисобланади десак хато қилмаймиз.

Сўзнинг маъно жиолари нутқда намоён бўлиб, уни юзага келтирувчи лисоний асослар бор. Бундай асослар тилшуносликда маънодошлик, шаклдошлик, зиддошлик номлари остида тил ҳодисалари сифатида тадқиқ этилади. Улар насрий ва назмий нутқларнинг гўзаллигини таъминлайди. Биз юқоридаги лисоний ҳодисаларнинг сўзлар доирасида намоён бўлишини кўриб ўтдик. Бу ҳодисалар иборалар доирасида, кўмакчилар доирасида, синтактик бутунликлар доирасида ҳам юзага чиқиши мумкин. Лекин улар алоҳида тадқиқотни талаб қилганлиги учун, биз фақат сўзлар муносабатини кўрсатдик холос. Умуман, нутқий гўзаллик ва теранликни юзага келтирувчи асослар хилма-хил бўлиб, улар турлича намоён бўлиши мумкин. Уларнинг турлари ва хусусиятларини ҳар бир инсон билиши ҳамда ундан фойдаланиши мумкин. Бу эса жамиятимизнинг маънавий юкласилишини таъминлайдиган пойдеворидир.

СЎЗЛАРНИНГ ТАГМАЪНОЛАРИ ҲА+ИДА

*Сўздин ўлукнинг танида руҳи пок,
Рухдаги тан аро сўздин ҳалок
(А.Навоий)*

Навоий бобомиз сўзнинг кудратини жуда чиройли ифодалаб, сўз ўлган одам танасига руҳ бағишлайди, сўздан тандаги руҳ ҳалок бўлиши мумкин дейди. Ҳақиқатан, сўз орқали инсон ўз қалбини, юрагини очади. Шунинг учун сўз инсон қалби кўзгуси сифатида талкин этилади. Инсоннинг нутқи орқалиунинг маънавияти, билим савияси англашилиб туради. Юсуф Хос Ҳожиб “+утадғу билиг” асарида чиройли ва теран нутқ ирод қилган кишини доно деб билиб, пала-партиш сўзлаган кишини билимсиз дейди:

Доно сўзи гўё оқар сув эрур,
Сув оқса ер узра кўп неъмат унур.

Донолар бўлади мисоли чимзор:
Қайга оёқ қўйсанг, у ерда сув бор.

Билимсизнинг кўнгли кум эрур гўё,
Ўт-ўлан ўсмайди кирса ҳам дарё.

Билимли кишилар танни ижтимоий меҳнат билан “койитиб”, билим билан овунадилар, бунинг ҳисобига “жон” семиради. “Жоннинг семириши” – инсон қалбининг маънавий завқ туйғулари билан чулғонишидир. Ахир:

Танани улуши тамоқдан кирар,
Жон улуши – сўз қулоқдан кирар,¹ - дейди.

Сўз киши руҳиятини акс эттирувчи ноёб бойлик ҳисобланади. Унинг воситасида инсоният ўз билимларини, маданий бойликларини асраб-авайлаб, келажакка етказди. Шунинг учун сўз – маънавий бойликларимиз хазинасидир. Унда инсониятнинг ҳозирги кунгача бўлган барча изланишлари, тажрибалари, маданий мероси сақланиб келмоқда.

Сўзнинг хусусияти ҳақида ҳар қанча гапирсак, шунча озлик қилади. А.Навоий тили билан айтганда, инсонни ҳайвондан фарқини кўрсатувчи асос – бу сўздир.

Тангрики, инсонни қилиб ганжи роз,
Сўз билан ҳайвондин анга имтиёз.²

Сўзнинг борлиқ оламдаги бирор предмет билан, воқеа-ҳодиса билан, белги билан, миқдор билан, ҳаракат-ҳолат билан, жараён билан боғлиқ бўлган маъноси – лексик маъно дейилади.¹ Олма сўзининг борлиқдаги мева билан

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билик. Тошкент, 1990 йил, 30-бет

² А.Навоий. Ҳайратул-аброр. Тошкент. 1983 йил, 8-бет

¹ +аранг: М.Мирзаев ва бошқ. Ўзбек тили. Тошкент, 1975 йил; Ш.Шоабдурахмонов ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1980 йил, Ўзбек тили грамматикаси. 1-том, Тошкент, 1975

боғланган маъноси – лексик маъно ҳисобланади. Сўзнинг лексик маъноси умумлашма бўлиб, инсон онгидаги тушунчаларга ишора қилади. Шунинг учун нутқда турлича тушунчаларни юзага келтиради. Сўзнинг муайян нутқий шароитда олган маъноси тағмаъно, тағбилим,² қўшимча информация,³ пресуппозиция,⁴ презумпция⁵, яширин маъно номлари остида изоҳланмоқда. Бу ҳодиса қандай ном остида тадқиқ қилинмасин, гапнинг турли хусусиятларини тўғри талқин этишда жуда катта аҳамиятга эга. У сўзловчи ва тингловчиларнинг умумий билимлари асосида белгиланади. Муайян нутқий шароитда гапнинг рўёбга чиқишига ҳамда тўғри тушунилишига ёрдам беради. Шунинг учун тағбилим гапда ифодаланган ҳукмнинг табиий асоси,⁶ “билишнинг умумий хазинаси”,⁷ “олдиндан билишнинг жами”⁸ тарзида изоҳланмоқда. Биз ушбу ўринда тағбилим ва тағмаъно дейишни маъқул кўрдик.

Чунки битта гапда бир қанча тағмаънолар, яъни, сўзнинг лексик маъноси остида ётувчи маънолар мавжудки, улар турли нутқий жараёнларда рўёбга чиқади. Масалан: Аҳмаднинг тўнғич ўғли Карим Андижондан Тошкентга ўқишга кетди. Бу гапдан бир қанча ҳукмларни тушунишимиз мумкин. Улар гап таркибидаги сўзларнинг ишоравий маънолари асосида юзага чиққан. Улар қуйидагилар:

1. Аҳмаднинг фарзандлари бир нечта
2. Карим Аҳмаднинг энг катта ўғли
3. Аҳмаднинг Каримдан бошқа ўғиллари ҳам бор
4. Карим ўрта мактабни тугатган
5. Карим талаба
6. Аҳмад – ота, эркак
7. Карим – ўғил, эркак.

Бу ҳукмларнинг табиий асоси бўлиб, улар хилма-хил ишоралар мажмуасидан иборатдир. “Аҳмаднинг фарзандлари бир нечта” ҳукмига “тўнғич” сўзи ишора қиляпти. “Тўнғич” сўзининг маъноси – энг катта, “бош фарзанд” кабилар бўлиб, Аҳмаднинг фарзандлари бир нечта эркаклигига ишора қилинмоқда. Бундай ишоравий маънони умумий билимларимиз хазинаси орқали тушунамиз.

Сўзларнинг маънодошлик, шаклдошлик, зиддошлик каби хусусиятлари орқали ҳам тағмаънолар юзага келади. “Тоза” сўзининг нутқий маъноси асосида “кирлик” тушунилади. Адолат ётоқхонани тозалади. (А.Мухтор) гапида “тоза сўзининг ишорасидан “ётоқхона ифлос” деган ҳукм тушунилади. Нутқий жараёнда “тозаламали” сўзи ишлатилиши тағмаънонинг юзага чиқишига таъсир этмайди. Иккала ҳолатда ҳам “кирлик” тушунчаси юзага чиқаверади. Жуман кўйлагини қумга ёйиб қуритди (А.Мухтор) гапида ҳам “Жуманнинг кўйлаги

² Н.Маҳмудов. Пресуппозиция ва гап. “Ўзбек тили ва адабиёти”, 6-сон. Тошкент, 1986 йил, 28-бет

³ О.Бозоров. Юклама категорияси. “Ўзбек тили ва адабиёти”. 2-сон. Тошкент, 1972-йил, 27-бет

⁴ А.Нурмонов ва бошқ. Ўзбек тилининг Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент, 1992 йил, 113-бет

⁵ Е.В.Падучева. О понятии презумпции в лингвистической семантике. Семиотика и информатике Москва, Т-8, 1977 йил, 109-бет

⁶ Г.Фреге. О смысле и значении (перевод). Семиотика и информатика. Т-8, М., 1977 йил, 40-46

⁷ В.Г.Гак. Теоритическая грамматика французского языка. Синтаксис. Москва. 1981, с.14

⁸ В.Г.Гак. Ўша асар. 14-бет

хўл эди” деган ҳукм гапнинг мазмунидан тушунилади. Бу ҳукмнинг юзага келишига гап таркибида иштирок этаётган “қуритмоқ” сўзининг ишораси асос бўлган. Аммо “қуритди” “қуритмади” тарзида ифодаланса ҳам “хўллик” тушунчаси англашилаверади. Чунки зиддошлик хусусияти асосида иккинчи қарама-қарши маъно умумий билиш хазинамизда бўлганлиги бунга таъсир этади. Натижада оддий содда гап орқали икки ҳукм ифодаланади. Бунда биринчи ҳукм гап таркибида иштирок этаётган сўзларнинг синтактик (ўзаро маъно ва грамматик боғланиши – кетма-кетлиги) жиҳатдан боғланиши асосида юзага чиқса, иккинчи яширин ҳукм гапда иштирок этаётган бирор тил бирлиги ёки мантикий бирликнинг ишораси орқали тушунилади. Буни тилшуносликда тағмаъно деб аталади. Тағмаъно хилма-хил ишора воситалари орқали англашилади. Бу воситаларни дастлаб қуйидагича кўрсатиш мумкин:

1. Лисоний (тил хазинасидаги турлича ҳодисалар, сўзлар, қўшимчалар, ёрдамчи сўзлар, иборалар, синтактик бутунликлар) воситалар.

2. Мантикий (мантикий мушоҳада асосида) воситалар.

3. Лисоний бўлмаган (тил тузилишига кирмайдиган, лекин нутқни бевосита ва билвосита кузатиб боровчи) воситалар, тағмаъно гапнинг мазмунига мутаносиб тарзда англашилади. Шунинг учун тағмаъно англашилган гаплар шакл жиҳатдан содда бўлса ҳам мазмун жиҳатдан мураккаб бўлади. Бобурнинг қуйидаги байтидаги тағмаъно кўриб ўтсак, яна ҳам тушунли бўлади:

Сочини савдоси тушти бошима бошдин яна,
Тийра бўлди рўзгорим ул қаро қошдин яна.

Бу байтда қуйидагича очиқ-аниқ ҳукмлар бор:

1. Бошимга сочининг савдоси бошидан тушди.
2. Рўзгорим ул қаро қошдин қора бўлди.

Байт таркибида “яна” юкламаси яширин ҳукмларга ишора қилмоқда. Шунинг учун гап мазмунидан қуйидагича тағмаъно англашилади:

1. Сочининг савдоси аввал ҳам бошимга тушган.
2. Аввал ҳам рўзгорим ул қаро қошдан қора бўлган.

Бундай яширин ҳукм байт таркибидаги “яна” юкламасининг тағмаъноси асосида тушунилади. Натижада байт мазмунан мураккаблашиб, содда шакл орқали мураккаб мазмун юзага чиққан. Мазмуний мураккабликни лисоний восита – юклама пайдо қилапти. Шунинг учун лисоний тағмаъно дейилади. Мирзо Бедилнинг қуйидаги рубоийсида тағмаъно кўпмаънолилик, маънодошлик, шаклдошлик ҳамда зиддошлик ҳодисалари асосида англашилиб, мазмуний мураккабликни ҳосил қилган:

Дили ҳасад тўла, ичи қоралар,
Доим тухмат ила покни қоралар.
Шип бурчига оппоқ пахта илиб кўр,

Шамдондан барча не шунга ўралар.¹

Шу рубойда қуйидагича очиқ-аниқ ҳукмлар мавжуд бўлиб, улар бевосита гап таркибида иштирок этаётган сўзларнинг маъно ва грамматик боғланишлари орқали ифодаланган:

1. Дили ҳасад тўла ичи қоралар доим тухмат билан покни қоралайди.

2. Шип бурчига оппоқ пахта илиб кўргин, шамдондан барча ис шунга ўралади. Байтлардаги “қоралар” сўзлари шаклдошлик асосида муносабатга киришган. Биринчиси “ранг”ни билдириб, отлашган ҳолда одам маъносида қўлланган. Бундан ташқари “ичи қора” сўзи “пок” сўзи билан шаклдошлик муносабатида маъно ифодаламоқда. Иккинчи байтдаги сўзлар ўзаро шакл ва маъно муносабатдорлиги жиҳатидан мазмунан биринчи байтдаги сўзларга пахта – пок сўзига, ис - қора сўзига маънодош ҳисобланади. Ана шундай мураккаб муносабатдорликдан турлича тағмаънолар юзага келган. Уларни қуйидагича белгилаш мумкин:

1. Дили пок одамлар бошқаларни қораламайди.

2. Шип бурчига қора пахта илинса, унга ўтирган ис билинмайди.

3. Дили ҳасад тўла, ичи қора одамлар исга ўхшайди.

4. Дили пок одамлар ҳудди пахта сингаридир.

Байтнинг тағмаънолари, турли лисоний ва мантикий ишора воситалари орқали умумий билиш ҳазинамиз кўлами асосида тушунилади. Гарчи бу тағмаънолар матнда – байтда шаклий ифодаланмаса ҳам, биз матндаги турли ишоралар воситасида англаймиз. Шунинг учун ҳам “яширин маъно” ёки “яширин ҳукм” номлари остида талқин этилади. Ҳудди ўша яширин маъно – тағмаъно қайси сўз ёки шакл ишораси орқали тушунилса, ўша сўзнинг ёки шаклнинг тағмаъноси дейилади.

Зулмунг эмас эрди халойиққа кам,

Ким қиладурсен ани ўзунга ҳам.²

Бу байтдаги “ҳам” юкламасининг ишораси орқали “Халойиққа қилинган зулм ўша зулмкорнинг ўзига ҳам тааллуқлидир” деган тағмаъно тушунилади. Тағмаъно “ҳам” юкламаси воситасида англашилаётганлиги учун “ҳам” юкламасининг тағмаъноси дейилади ва бу тағмаъно лисоний восита орқали юзага чиққанлиги учун ҳам умумий таснифда “лисоний тағмаъно”га киритилади. Шунинг учун тағмаънолар қандай асосда юзага келаётганлигини аниқлаш уларни таснифлаш имкониятини яратади. Агар лисоний бирлик ишораси орқали тушунилса, лисоний тағмаъно дейилади. Мантикий бирлик ишораси орқали юзага келса, мантикий тағмаъно деб юритилади. Шу сабабдан тағмаънолар таснифи уни юзага келтирувчи асосларига қараб белгиланади. Тағмаъноларга ишора қилувчи воситалар хилма-хил. Айниқса, назмий асарларда ниҳоятда ранг-баранглик касб этади. Насрий асарларда эса услуб нуқтаи-назаридан келиб чиқиб, бир мунча кучсизроқ тарзида юзага чиқади. Лекин ёзувчининг бадиий маҳорати ва идрокига боғлиқ ҳолда кўп ва кам бўлиши мумкин.

¹ 333 рубойи. 70-бет. Тошкент, 1991 йил

² А.Навоий. “Ҳайратул-аброр”дан. Тошкент, 1983 йил, 13-бет

Тағмаёноларга ишора қилувчи лисоний воситалар ичида юкламалар ва кўмакчилар алоҳида ўрин тутати. Юклама ва кўмакчилар ёрдамчи сўз бўлиб, улар лексик маъно ифодаламайди.¹ Шу сабабдан уларнинг гап таркибидаги иштироки бир томонлама баҳоланиб келинди. Грамматик маъно ифодаланишига эътибор берилиб, уларнинг вазифаси чегараланиб қўйилди. Аслида, юкламалар ҳам, кўмакчилар ҳам гап таркибида грамматик маъноси билан иштирок этсада, лекин гап мазмунига таъсир этади. Гапнинг мазмуний тузилишида битта содда гапга тонг бўлган тағмаёно ифодалайди. Масалан: Гузар томонда фақат битта чироқ милтиллар эди (А.+ахҳор) гапида “фақат” юкламаси иштирок этиб, шу гапни мазмунан мураккаблаштирган. Чунки бу гапнинг мазмуний тузилишида иккита ҳукм бор:

1. Гузар томонда битта чироқ ёниқ
2. Гузар томонда битта чироқдан бошқалари ўчиқ. Биринчи ҳукм гапнинг бевосита иштирокчилари – мавжуд ифодаланган гап бўлаклари орқали ифодаланган, яъни махсус ифодаловчи шаклларга эга. Ҳукм эса “фақат юкламасининг ишораси орқали тушунилади. Гап таркибида бевосита ифодаловчи шаклларга эга эмас. Биз уни умумий билиш хазинамиз кўлами ҳамда “фақат” юкламасининг ишораси орқали англаймиз.

Шу сабабдан бу ҳукмни яширин ҳукм ёки ботиний ҳукм дейиш лозим. Бу гап синтактик жиҳатдан содда бўлса ҳам, мазмунан мураккаб ҳисобланади.

“Фақат” юкламаси гап таркибида морфологик жиҳатдан “битта чироқ” бирикмасини ажратиб, таъкидлаб кўрсатаётган бўлса, мазмуний жиҳатдан инкор фикрлар ичидан тасдиғини ажратаяпти. Инкор фикр – ўчиқ чироқлар; тасдиқ фикр – ёниқ чироқ. Аксинча, тасдиқ фикрлар ичидан инкорини ажратиб кўрсатиши ҳам мумкин.

Фақат у қаяққа кетаётганини ўзи билмайди. (А.Мухтор) гапида очик ҳукм: у қаяққа кетаётганини ўзи билмайди; яширин ҳукм: Бошқалар қаяққа кетаётганини билишади.

“Фақат” юкламаси, бу гапда мазмунан тасдиқ фикрлар ичидан инкорини ажратиб кўрсатган ва шу гапнинг мазмуний тузилишида битта содда гапга тенг келадиган тағмаёнога ишора қиляпти.

Фақат юкламаси ўзи ажратиб келаятган бўлакка яқин бўлган тушунчаларни зидлаш орқали тағмаёно ифодалайди. Зидланишнинг инкор ёки тасдиқ характерга эга бўлиши ўзи иштирок этаётган гапнинг кесими характерига боғлиқ бўлади. Агар фақат юкламаси иштирок этаётган гапнинг кесими бўлишли – тасдиқни билдирса, тағмаёно инкорни ифодалайди. Масалан: Ундан фақат Нисо буви хабар оларди (А.+ахҳор) гапининг кесими бўлишли шаклда бўлиб, тасдиқни ифодалаганлиги учун “фақат” юкламасининг тағмаёноси инкорни англатади. Яъни, “бошқалар хабар олмас эди” деган тағмаёно юзага чиқади. Агар гапнинг кесими бўлишсиз шаклда келиб, инкорни билдирса, тағмаёно тасдиқни англатади. Масалан: Фақат шу орзусини ҳеч кимга айтмайди (А.Мухтор) гапида кесим бўлишсиз шаклда бўлиб, инкорни

¹ Қаранг: М.Мирзаев ва бошқ. Ўзбек тили. Т., 1975 й.

ифодаланганлиги учун “фақат” юкламасининг тағмаёноси тасдиқни англатади. Яъни “Бошқа орзуларини айтаверади” деган тағмаёно юзага чиқади. Бундан ташқари, фақат юкламасига синоним – маънодош бўлган –гина аффикс юкламаси ҳам юқоридагидай тағмаёноларга эга. Масалан: Сайлигина бу ерда кўпроқ кўринарди (Ж.Абдуллахонов) гапида “Бошқалар кўринмас эди” деган тағмаёно англашилган. Тағмаёно –гина юкламасининг ишораси орқали юзага чиққан. –гина юкламасининг грамматик ва мазмуний хусусияти фақат юкламасига ўхшайди.

Хуллас, сўзлар муайян нутқий шароитларда сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги ўзаро алоқадорликдаги шартномавий муносабат асосида хилма-хил тағмаёнолар англариб келиб, ўзи иштирок этаётган гапни ҳам мазмуний, ҳам мантиқий мураккаблаштиради. Мазмуний мураккабликни турлича воситалар юзага келтириши мумкин. Бундай воситалар лисоний ва лисоний бўлмаган воситаларга ажратилади. Лисоний воситаларга тил тузилишига кирувчи асослар кирса, лисоний бўлмаган воситаларга тил тузилишига кирмайдиган, лекин лисоний бирликларни нутқий жараёнда бевосита кузатиб борувчи асослар киради.

ШАРҚОНА ЛУТФ

Шарқ халқлари маданий меросига назар ташласак, улкан илмлар, бетакрор ишоратлар, нозик маънолар уммонига ўхшайди. Бу уммон бағрида жуда кўп маънавий бойликлар яширинган. Бундай маънавий бойликларни топиб, ундан баҳраманд бўлиш зеҳнимизга, идрокимизга боғлиқ. Зеҳний теранлик, бекиёс идрок саҳовати бизга ота-оналаримиздан қолган буюк неъмат ҳисобланади. Чунки ўтмишда яратилган илмий ва бадий меросимизда хилма-хил ишоратларга безанган хазина мавжуд. Шу хазинани юзага чиқарувчи, қўриқловчи, авлоддан-авлодга ўтиб келишини таъминловчи восита ҳамда унинг калити тил ҳисобланади. Шундай экан, биз тилнинг қудратини шарқ халқларида қандай қадрланганлигини билмасак, тилимизга эътиборимиз сусаяди. Айниқса, тилдаги ишоратлар хазинасини чуқур англамаслик маънавий қашшоқликни келтириб чиқаради. Шунинг учун маънавий камолотга эришишда маданий меросимиздаги ишоратлар хазинасини чуқур ўрганиш ва ундан баҳраманд бўлишимиз зарурдир. Маънавий камолотнинг дебочаси тилдан ўринли фойдаланиш ва шарқона лутфни тўғри тушуниш ҳисобланади.

“Шарқона лутф” бирикмаси таркибидаги “лутф” сўзи арабча сўз бўлиб, мулойимлик, раҳмдиллик, яхши муомала, марҳамат каби маъноларни билдиради. Бундан ташқари “эркинлик” маъносини ҳам ифодалайди.¹ Лутф сўзи кейинги даврларда “мулойимлик” маъноси асосида “силлиқ муомала”ни ҳам билдирмоқда. Хусусан, “шарқона лутф” бирикмаси турли ишоратларга бурканган нутқ маъносида қўлланилади. Шунинг учун биз кўпроқ хилма-хил ишоратларга асосланган нутқ маъносида ишлатишни лозим топдик.

¹ П.Шамсиев. С.Иброҳимов. Навоий асарлари луғати. Тошкент, 1972 йил, 341-бет

Шарқона лутф деганда, турли ишоратларга бой бўлган, нозик дид билан айтилган ва тағмаънолар воситасида мураккаблашган нутқ тушунилади. Ана шундай нутқнинг лисоний асоси мавжуд бўлиб, улар турлича таҳлил этилади. Айниқса, ўзбек тили нуктаи назаридан текширилса, бундай ҳолатлар ниҳоятда кўплиги ҳамда ўзига хос хусусияти турли нутқий жараёнларда юзага чиқиши кўзга ташланади.

Лекин бундай нутқ ниҳоятда зукколик билан ирод этилади. Нотикдан бадий зукколик ва нозик идрок талаб этади. Алишер Навоий "... бу тилда ғариб алфоз ва адо кўпдур. Муни Хуш оянда тартиб ва рабоянда таркиб била боғламоғнинг душворлиги бор", - деб тилдаги мураккабликка ишора қилади.² (Мазмуни: "Бу тилда ажойиб сўзлар ва ифодалар кўп. Буни хуш келувчи, гўзал туйилувчи ва жозибадор тартибда боғлаш жуда қийин")

Шунинг учун тилимизнинг ҳам шаклий, ҳам мазмуний гўзаллиги лутф орқали намоён бўлади, десак хато бўлмайди. Чунки лутф асосида нутқ мазмунан баъзан шаклан гўзаллик касб этади. Масалан:

Лабинг бағримни қон қилди;

Кўзимдин қон равон қилди.

Нега холим ёмон қилди:

Мен андин бир сурорим бор.

(З.М.Бобур)

Бу байтда "сўрорим" сўзи шаклдошлик асосида икки маънога ишора қияпти. Иккала маъно ҳам байт мазмунига мос келади. Чунки "сўрорим" сўзидаги "сўрамоқ" ва "сўрмоқ - ўпмоқ" маънолари байтдаги лаб ва нега сўзларининг маъноларига мос ҳолда қўлланилган. Шунинг учун бу байт мазмунидан икки хил фикр тушунилади. Биринчи фикр шаклий муносабатдорлик орқали тушунилади. Яъни, менинг холимни нега ёмон қилди, - деб сўрайман тарзида. Бундай маъно ўзаро синтактик бутунликлар орқали юзага чиқади. Иккинчи фикр "лаб" сўзининг маъноси билан боғлиқ ҳолда англашилади. Шунинг учун бир шакл орқали икки фикр ифодаланган. Бунда кўпроқ шаклдошлик ҳодисаси асосий вазифани ўтаган. Натижада шарқона лутф намунаси юзага келган.

Нукта лаб устида бежодур десам айтди санам,

Саҳв қилмиш қудрат магар таҳрирда.

(Фурқат)

Бу байтда икки маъно ўзаро матний боғлиқлик асосида англашилган. Биринчиси "лаб устида ҳоли бор бўлган маъшуқа"ни англатса, иккинчиси – лаб араз ёзувига ишора қилади. Яъни, лаб сўзида нукта остида бўлиши керак эди, устига бежо қўйилганлигини англатаяпти. (Иу!)

Биринчи мисрадаги синтактик бутунликлардан лаб сўзининг ёзилишига ишора бўлса, иккинчи мисрадаги синтактик бутунликлардан биринчи мисрадаги мазмунни мураккаблаштириш бор. Шунинг учун бу байтда ҳам лаб сўзининг ёзилишига, ҳам маъшуқанинг ҳолига ишора бор. Ҳудди шундай мазмуний мураккаблик сўзларнинг ишоравий маънолари асосида ҳам юзага

² А.Навоий. Муҳокаматул-луғатайн. Асарлар. 14-том. Т.,1967 й., 107 б.

чиқади. Ишоравий маънолар турли лисоний ҳодисалар орқали англашилади. Шунинг учун лутф сўзини тағмаъно сўзи билан тенглаштириш мумкин.

Айт бу сочинг толасиму, жон ишим бир бандаму,

Ёки сочинг толасига жон ипим бойландиму.

(Э.Воҳидов)

Бу байтда “тола” ва “ип” сўзлари ўзаро маъно муносабатда тенглаштирилган ва шу байт мазмунида “Маъшуқа сочининг қимирлаши ошиқ юрагининг ўйнашига таъсир этганлиги” тўғрисидаги фикр англашилади. Гарчи бу фикр байтнинг умумий мазмунидан тушунилса ҳам, лекин байт таркибида шу мазмунга ишора қилувчи сўзлар бор. Улар “жон” ва “соч”, “тола” ва “ип” сўзлари бўлиб, шу сўзларнинг муносабатдорликдаги алоқасидан яширин маъно тушунилади. Шунинг учун “Маъшуқа сочининг қимирлаши ошиқ юрагини ўйнатганлиги” тўғрисидаги фикр шаклий ифодаланмаса ҳам тушунилаверади. Бу шеъриятда лутф бўлса, тилшуносликда тағмаънодир.

Лутф ва тағмаънонинг ўзаро тенг келиши аскияда яна ҳам яққолроқ кўзга ташланади. Аскияда кўпроқ шаклдошлик асосида лутф қилинади. Шунинг учун аскиядаги лутфни шаклдошлик ташкил қилади десак, хато бўлмайди. Лекин ҳар қандай шаклдошлик лутфни – тағмаънони ташкил қилавермайди. Уларнинг маъно муносабатдорликдаги алоқаси мавжуд. Бундай алоқалар алоҳида текширишни талаб қилади.

У.Рахимов,

АДУ Тилшунослик кафедраси мудири

АСКИЯДА КУЛГИ ҚЎЗҒАТУВЧИ ВОСИТАЛАР

Аския халқимиз донолигини намойиш қилувчи ва миллий урф-одатларимизни, ўзига хос анъаналаримизни авлодлардан авлодларга етказувчи алоҳида санъат ҳисобланади. Бу санъат инмонларга кулги орқали эстетик завқ беради. Унда оддий кулги бўлмай, балки халқ донолиги асосида яратилган қуйма сўзлар остидаги кулги бўлади. Шунинг учун бу санъат усталари ва мухлислардан зукколик талаб этилади. Чунки аския матнда кулги қўзғатувчи асослар хилма-хил бўлади. Дастлаб уларни лисоний воситалар, лисоний бўлмаган воситаларга ажратиш мумкин. Кулги қўзғатувчи асосларни тушуниш учун аския матнидаги сўзларнинг лисоний хусусиятларини аниқлаш зарур. Аскияда кулги қўзғатувчи лисоний асосларга тилдаги кўп маънолилиқ, маънодошлиқ, шаклдошлиқ ва зиддошлиқ ҳодисаларини киритиш мумкин. Бундан ташқари маъно кўчиш ҳодисалари, ўхшатиш, сифатлаш, жонлантиришлар ҳам кулги қўзғатиши мумкин.

Кейинги даврларда сўз усталари – аскиячи ва қизиқчилар сўзларнинг кўпмаънолиги асосида турли ичакузди матнлар яратмоқдалар. Айниқса, Ҳожибой Тожибоев ижодида бу нарсга ўзига хос тарзда амалга оширилмоқда. Бу ижодкор сўзларнинг кўпмаънолилигидан ниҳоятда усталик билан фойдаланиб, халқимиз қалбига йўл топмоқда. Масалан, бу санъаткор “юрмоқ” сўзининг турлича маъноларини кулги учун асос қилиб олади. “Юрмоқ” феъли лексик жиҳатдан бир нарсанинг бир жойдан иккинчи маъноси ҳисобланади. Шу бош маъно атрофида жипслашувчи маънолар ҳам борки, улар шу сўзнинг кўчма маъноларидир. “Юрмоқ” феъли “машинанинг юриши”, “моторнинг юриши”, “одамнинг юриши (тетапоя тарзида)”, “қиз бола билан юриш”, ишнинг юриши, “ҳавонинг юриши”, “ўрдакнинг юриши”, “ғоз ва жувоз юриши”, “поезд ва автобусларнинг юриши (жадвал маъносида)” каби маъноларга эга. Ҳожибой Тожибоев шу сўзнинг маънолар ўртасидаги муносабатдорлик орқали кулгили ҳангома тузади. Унда кулги учун асос “юрмоқ” сўзининг икки маъноси бўлади. Биринчи маъно – бош маъно ҳисобланиб, “инсонни юриши”ни англатса, иккинчиси “қиз бола билан ёки аёл киши билан ошиқона юришни” англатади. Аскияда кўпроқ шаклий жиҳатдан инсоннинг юра олиш қобилятига эътибор қаратилиб, ҳар қандай инсон 2 ёшдан кейин юра олиши таъкидланади. Матнда синтактик шаклий жиҳатдан инсондаги юра олиш қобиляти ифодалансада, лекин мазмунан “ошиқона юриш” англашилади. Шу маъно кулги қўзғатади. Яъни “... палончининг эри юрармиш. Ҳа, юрадида. Нима ўтирсинми? Бу ерда югурадиганлар бору. +ани, айтинларчи, кимнинг эри юрмайди? Ҳамманики юради...”

Матнда “юрар эмиш”, “ўтирсинми”, “югурадиганлар” сўзлари шаклий жиҳатдан одамнинг юра олиш қобилятига эътиборни қаратади. Лекин мазмунан “ошиқона юришни” англатади. “Эр” сўзи эса “ошиқона юриш” маъносини яна ҳам кучайтиради. Натижада кўп маънолилиқ асосида кулги қазғатади. Лекин ҳар қандай кўп маънолилиқ кулгини пайдо қилавермайди.

Кулги қўзғалиши учун ҳам шаклий, ҳам мазмуний узвийлик, алоқадорлик бўлиши керак. Агар ўзаро алоқадорлик шаклан ҳамда мазмунан бир

бутунликни ташкил этмаса, кулги кўзғалмайди. Масалан: Халқимиз орасида чақалоқнинг юриши катта хурсандчилик сифатида нишонланади. Шунинг учун “палончининг ўғли юриб қолибди” тарзидаги гапда “тетапоя бўлиб юриш” маъноси тушунилиб, “хайрият қўли бўшаб қолибди”, - деб жавоб берилади. Бу гаплардаги “ўғли”, “юриб қолмоқ” сўзлари “ошиқона юриш” маъносида ишора қилмайди. Натижада муайян нутқий шароитда кулги учун асос бўлмайди. Бу гапларда ҳам икки мазмун тушунилиши мумкин. Лекин икки мазмун англаниши учун муайян нутқий шароит, сўзловчи ва тингловчи ўртасида ўзаро шартномавий муносабат бўлиши керак. Яъни, сўзловчи ҳамда тингловчи ўртасида “ёш боланинг юриши ҳақидаги ахборот бўлса, янги йўлга юриш” тушунилади. Агар сўзловчи ва тингловчи ўртасида “касал бўлиб қолган, юрмаётган бола – вояга етган киши ва ҳоказо” ҳақида ахборот бўлса, касаллиги шифо топибди, дармонга кириб қолибди” каби мазмун тушунилади. Кейинги “хайрият, қўли бўшаб қолибди” каби мазмун тушунилади. Кейинги “хайрият, қўли бўшаб қолибди” гапи муайян нутқий шароитда, ўзаро шартномавий муносабатда иккала гап учун ҳам мос келаверади. Шунинг учун ҳар қандай гапни ахборот воситаси сифатида тушунишимиз учун муайян нутқий шароит ҳамда сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги коммуникатив мақсад бирлиги – умумийлиги бўлиши зарур. Ана шундай зарурий шартлар умумлашмаси бўлмаса, кулги кўзғалмайди.

Биз юқоридаги “палончининг ўғли юриб қолибди” гапини бошқачароқ шакллантирсак, кулги кўзғалиши мумкин. Лекин шунда ҳам муайян нутқий шароит ва сўзловчи ҳамда тингловчи ўртасидаги ўзаро шартномавий муносабат кулгига мосланган бўлиши шарт. Масалан, “палончининг ўғли юриб қолибди” гапини қуйидагича шакллантириш мумкин:

1. Палончининг ўғли юрадиган бўлиб қолибди.
2. Палончининг ўғли юрар эмиш.
3. Палончининг ўғли юрадиган чиқибди.
4. Палончининг ўғли юряпти экан
5. Палончининг ўғли юрган экан. Сўзловчи ва тингловчилар ўртасидаги ўзаро шартномавий муносабатда.

“Қизлар билан юриш” маъноси бўлса, ҳамда муайян нутқий шароит ҳам шунга қаратилса, юқоридаги гапларда қуйидагича маънолар англашилади.

Биринчи гапда “Вояга етиб, қизлар билан гаплашадиган бўлиб қолибди”, иккинчи гапда “Қизлар билан юрар эмиш”, учинчи гапда “қўнимсиз, одобсиз чиқибди”, тўртинчи гапда “Қизлар билан гаплашаяпти экан”, бешинчи гапда “Қизлар билан юрган экан” каби маъноларни тушуниш мумкин.

Агар муайян нутқий шароитда сўзловчи ва тингловчи ўртасида “Касали тузалиб, дармонга кириб қолибди” тарзида гап кетса, у ҳолда бошқача маъно англашилади.

Шунинг учун ҳар қандай кўп маънолилиқ орқали кулги кўзғалиши учун албатта ўзаро шартномавий муносабат ва муайян нутқий шароит бўлиши зарурий шартлардан бири ҳисобланади.

Қуйидаги матнни кўриб чиқамиз: - “... чойхонамизда қора чой, кўк чой, оқ чойлар бор. Қайсинисидан дамлаб келай? – Оқ чой бўлишини энди

эшитаяпман, у қанақа чой? - Қора чой қон босимини кўтаради, кўк чой туширади. Оқ чой ҳофизларга”.

Бу матнда кулги кўзғалишига “оқ чой” бирикмаси асос бўлади. “Оқ чой” бирикмаси икки маъно ифодалайди. Биринчиси – “қайноқ сув”, иккинчиси – “спиртли ичимлик – ароқ”. Иккала маъноси ҳам матнга ҳам шаклий, ҳам мазмуний жиҳатдан мос келаверади. Кулги кўзғалиши учун иккинчи маъноси асос бўлади. Биринчи маъноси матндаги асос маъно бўлиб, у ҳофизларнинг овози бўғилиб қолмаслиги учун қайноқ сув ичишни англатади ва шу сўз бирикмаси остида “спиртли ичимлик” маъноси ҳам бўлиб, у тағмаъно ҳисобланади. Ҳудди шу тағмаъно кулгига асос бўлади.

Бундан ташқари тилдаги метонимия ҳодисаси асосида ҳам кулги кўзғалиши мумкин. Сўз маъноларининг кўчишида метанимия алоҳида аҳамият касб этади. Унга кўра предмет ёки ҳодисаларнинг макон ва замондаги ўзаро доимий боғланишлари асосида бирининг номи иккинчисига кўчирилади. Бунда бир предмет билан иккинчи предмет ўртасида ташқи ва ички ўхшашлик бўлмайди. Улар орасидаги доимий алоқа бири номи билан иккинчисини аташ имконини беради.¹

Ана шундай ҳодиса асосида аскиячилар ва қизикчилар инсонларни қидирувчи матнлар яратадилар. Ҳожибой Тожибоев ижодида “...палончининг ошида кўринмадингиз” гапи орқали кулдирувчи хангомалар бор.

Бу хангомада кулги кўзғалишига метонимия орқали кўчаётган маъно асос бўлади. Бунда “ош” сўзи ўзаро макон ва замонда тўй, маросим ўрнида қўлланган. Шунинг учун “маросимда иштирок этмасанг” тушунчасини ифодалаш учун “ошида кўринмадингиз” бирикмаси ишлатилган. Натижада тўғри маънода “Маросимда қатнашмадингиз” тарзида қўлланилган. Лекин шу гапнинг тагида иккинчи маъно борки, у “ош” сўзи билан боғлиқ ҳолда юзага чиқади. Унинг юзага чиқиши ҳам тўғри маънода тушунилади. Яъни “ошни ичида одам кўринмаслиги” англашилиб, кулги учун асос бўлади. Шунинг учун “ошида кўринмаслик” бирикмаси юқоридаги гап учун ҳам шаклий, ҳам мазмуний мос келади. Бу икки жиҳатдан мослик ҳам тўғри маънодаги фикр ифодалашга ҳам кулги кўзғатишга асос бўлади. “Ошда кўринмаслик” бирикмаси кўчма маънода “бировнинг ошида – маросимда иштирок этмаслик”ни ифодалаб, гапдаги синтактик боғланишнинг коммуникатив вазифасини кўрсатади. Тўғри маънода эса кулги кўзғатишга асос бўлиб, “ошнинг ичида кўринмасликни” англатади.

Яна шундай матнлардан бирида “самоварда кўрдик” бирикмаси ишлатилади. Бунда ҳам метонимия асосида самовар – чойхона маъносини англатади. Аскиячи эса сўз бирикманинг кўчган маъносини эмас, тўғри – предмет маъносини асос қилиб кулдиради.

Хуллас, аскияда кулги кўзғатиш учун лисоний асослар бор бўлиб, улар турлича тағмаънолар орқали, тилдаги хилма-хил ҳодисалар туфайли юзага чиқади.

¹ Қаранг: М.Мирзаев ва бошқ. Ўзбек тили. Тошкент. 1978 йил; Ш.Шоабдурахмонов ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент. 1980 йил

Бундан ташқари кулги қўзғатувчи лисоний бўлмаган воситалар борки, улар нутқни бевосита кузатиб боровчи асослар ҳисобланади. Улар тил тузилишига кирмайди, аммо нутқнинг таъсирлилигини, мазмунан мураккаблигини таъминлайди. Ана шундай воситалар ичида “имо-ишоралар”, “мимикалар” алоҳида ўрин тутати. Улар тилшуносликда паралингвистик воситалар номи остида ўрганилади. Паралингвистик воситалар нутқнинг таъсирлилигини, ихчамлилигини таъминлайди. Шу билан биргаликда кулги қўзғатиш учун асос бўлади. Нутқда ифодалаш мумкин бўлмаган ҳолатларни имо-ишоралар ва мимикалар орқали ифодалаш мумкин бўлади. Мимикалар, имо-ишоралар хилма-хил бўлиб, турлича маъно ифодалашга хизмат қилади.¹

Кулги қўзғатувчи воситаларга овоз тони ва оҳангни ҳам киритиш мумкин. Овозни пасайтириш, кўтариш, оҳангини ўзгартириш орқали ҳам кулги ифодалаш мумкин. Масалан, Ҳожибой Тожибоев ижодида ана шундай ҳолатни кузатиш мумкин. У бир ҳажвиясида “Ҳаммаёқ одам” бирикмасини уч хил оҳанг билан айтиб, ҳам фикрнинг таъсирлилигини ҳам кулгини юзага келтиради. Яъни “Ҳаммаёқ одам!”, “Ҳаммаёқ одам!!”, “Ҳаммаёқ одам!!!” тарзида айтиб, ҳам одамнинг кўплигини таъкидласа ҳам кулгини қўзғайди. Бунда кулгини қўзғовчи асос оҳанг бўлади. Тингловчилар одамларнинг қай даражада кўп эканлигини оҳанг орқали тушунади.

Кулгини юзага келишида муболаға ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Муболаға орттириб, бўрттириб кўрсатиш маъносини билдиради. Муболағада икки хил хусусият кўрсатилади. Биринчиси ҳаддан зиёд каттайтирилса, иккинчисиди ҳаддан зиёд кичрайтирилади. Турли адабиётларда муболағанинг юқоридагича хусусиятини муболаға, гипербола, литотта, ифрат ифрак, таблиг, иғроқ, гуллув номлари остида тадқиқ қилинади.

Муболағада ҳам кўчма маъно алоҳида аҳамият касб этади. Лекин уни тўғри маънода тушунмаслик керак. Аскияда муболаға кўпроқ лофлар айтиб кулдириш учун ишлатилади. +уйидаги матнда ана шундай ҳолатни кузатишимиз мумкин. “Биринчи лофчи иккинчи лофчига ўғлини мақтаб кулди: - Менинг ўғлим 3 ёш бўлишига қарамай, бўйи чунонам ўсиб кетдики, юлдузларни қўли билан ушлаб текшираяпти. Иккинчи лофчи биринчи лофчига жавоб берди: - ўғлингиз юлдузларни текшираётганда бошига бирор нарса тегибдими? Биринчи лофчи булутни айтаётган бўлса керак деб ўйлаб жавоб берибди: - Ҳа, Иккинчи лофчи: - Ўша теккан нарса ўғлим кийган тўннинг пеши бўлади.

Бу матнда муболаға асосидаги тағмаъно кулги учун асос бўляпти. Натижада “тўн” ва “пеш” сўзлари орқали ўзига хос муболаға юзага келяпти.

Хуллас, аския ва ҳажмий ҳикоялар ҳамда қизикчилардаги кулгининг лисоний асослари мавжуд. Улар нутқни жараёнда ўзига хос кўринишларда намоён бўлади. Уларни умумпланда кулги қўзғатувчи воситалар дейиш мумкин. Кулги қўзғатувчи воситалар алоҳида текширишни талаб этади. Чунки бу воситаларнинг лисоний хусусиятлари ниҳоятда мураккаб бўлиб, кўпқиррали бутунлик ҳисобланади. Унда лисоний бирликлар ва лисоний

¹ Қаранг: А.Нурмонов. Ўзбек тилининг палалингвистик воситалари ҳақида. Андижон, 1980 йил

бўлмаган узвлар ўзаро муносабатдорликда бирлашади. Умумий бирлик ҳам фикр ифодалайди, ҳам кулги кўзғатади. “Коса, коса тагида ним коса” юзага чиқади. Коса тагидаги ним коса асосида кулги кўзғаланади. Киноя, кесатик, қочириқларда ҳам юқоридагича хусусият бор. Улар англатган маъноларни тушуниш учун ҳам нутқий шароит, сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги шартномавий муносабат ҳисобга олиниши керак. Шу сабабдан тилдаги тағмаъно ходисаси юқоридагиларни тушунишга ёрдам беради, лисоний асосларини ёритишга имконият яратади.

ҲИКМАТЛАР ВА МАҚОЛЛАРНИНГ МАЗМУНИЙ-ГРАММАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Инсон олам яралганидан буён ҳаёт дарсини ўқийди ва ўқимоқда. Ҳаёт сўқмоқларида дуч келган қийинчилик, тўсиқлар, хурсандчилик, ҳафагарчиликлар ҳикматли сўз, мақол, матал ва иборалар тарзида дунёга келади. Халқимизга ҳаётий тажрибаларининг мажмуи куйма сатрларда ўз ифодасини топади. Уни инсон ҳаётий тажрибаларининг ойнаси деса бўлади. Шунинг учун содда, ихчам ва гўзал бўлади. Соддалик мазмун жилосига бурканиб, гўзаллик касб этади.

Ҳикматли сўзлар ва мақоллар содда, ихчам бўлиш билан биргаликда мазмунан мураккаб бўлади. Мазмуний қобигда ҳикматона, ибратона маънолар жамлангандир. Ибратнома фикрлар узок ҳаётий тажрибалар маҳсули сифатида майдонга келган. Шунинг учун ҳикматлар ва мақоллар авлоддан авлодга ўтиб, ўз қадрини, қимматини йўқотмай келмоқда.

“Ҳикмат” арабча сўз бўлиб, ўта донолик, донишмандлик, заковат, ақл-идрок маъноларини англатади. Ҳикмат сўзи тагини англаш қийин бўлган, яширин бир маъно, яширин бир сабаб, сир маъноларини ҳам ифодалайди.¹ Мақол ҳам арабча сўз бўлиб, ҳаётий тажриба асосида халқ томонидан яратилган, одатда панд-насиҳат мазмунига эга бўлган ихчам, образли ва ҳикматли ибора, гап маъносини англатади.² Ҳикматлар ва мақоллар – халқимиз ақл-заковатининг нодир меваси. Шунинг учун уларнинг замирида инсоннинг ақлига ҳавола этилган ибратона тағмаънолар мавжуд. Унда сўзларнинг сараси иштирок этиб, турли воситалар орқали шароит учун мос маъносини танлаб олади. Мақол ва ҳикматлар халқ ижодиётининг хазинаси ҳисобланади. Хазина ранг-баранг бойликлардан тузилган. Шу боисдан мақол ва ҳикматлар ҳаётнинг барча табақасини қамраб олган. Уларнинг мавзу жиҳатдан хилма-хиллиги ҳаётнинг мураккаблигидан, серқирра эканлигидандир.

Бундан ташқари мақоллар, ҳикматларда шаклий ва мазмуний номутаносиблик мавжуд. Бундай номутаносиблик фақат мақоллардагина эмас, халқ яратган бошқа маънавий бойликларда ҳам бор. Чунки халқ ижодида бир нарса ўта пишиб етилмагунча, тилга келмайди. Ўта пишиб етилган,

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II-том. Москва. 1981 йил

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I-том. Москва. 1981 йил, 456 бет

сайқаллашган, безакларга бурканган гаплар жуда ихчам, содда бўлиб, мураккаб мазмун учун хизмат қилади. Натижада шакл ва мазмун номутаносиблиги юзага келади. Мазмуний мураккаблик турли воситалар орқали майдонга келади. Бундай мазмуний мураккаблик тилшуносликда “тағбилим”, “тағмаъно”, “пресуппозиция” деб ўрганилади.

Мақол ва ҳикматларда тағмаъно ниҳоятда кучли бўлиб, ҳар бир сўз замиридан тушунилиши мумкин. Шунинг учун улардаги сўзлар рамзий маъноларда қўлланилади. У ёки бу мақоланинг кўчма маъносини, унда нима дейилмоқчи бўлаётганини аниқлаш учун мақолларда келтирилган образларнинг моҳиятини тўғри аниқламоқ керак. Халқ оғзаки ижодининг кўпчиликлари жанрларида, жумладан, мақолларда ҳам жамиятдаги муносабатлар, ҳодиса ва ҳолатларни соддарок, ойдинроқ ифодаламоқ мақсадида табиатдаги ўз хусусиятлари билан шунга мос келадиган турли нарсалар (хайвонлар, ўсимликлар, уларнинг мевалари, жисмлар, уй жиҳозлари, кийим-кечаклар, иш қуроллари, меҳнат маҳсулотлари ва ҳоказо) образларидан усталик билан фойдаланилади. Масалан, халқимиз шерни мард, довюрак ботирларга, чумолини меҳнаткаш мазлумларга, қурбақани дангаса, ишёқмас кишиларга ўхшатади.¹ Шу сабабдан мақол ва ҳикматларда тимсол асосидаги маъноларни тушунишда тағмаъно қўл келади. Эътибор “коса тагидаги ним коса”га қаратилади.

Мақоллар ва шаклий, ҳам мазмуний гўзал бўлади. Мақол ва ҳикматларнинг ташқи кўриниши товушларнинг қатор келиши ва оҳангдошлиги асосида гўзаллик касб этса, мазмунан бир қанча тағмаъноларга ишора қилиши билан гўзал бўлади. Шунинг учун уларни эслаб қолиш ҳам осон бўлади. Мақол ва ҳикматли сўзларда тилдаги тасвирий воситалар кенг қўлланилади ва улар асосида фикр лўнда, ихчам ҳамда таъсирли ифодаланади.

Масалан: “Сабрнинг таги – сариқ олтин” мақолида, с, а, р, т товушлари ўзаро бир-бирига оҳанг жиҳатидан мослашган ҳолда тартибланган. Шунинг учун бу мақол оҳанг жиҳатидан қулоғимизга ёқимли эшитилади, эслаш учун ҳам осонлик туғдиради. Товушларнинг бир-бирига оҳангдошлигидан шаклий гўзаллик юзага келган. Шу шаклий гўзаллик остида мазмуний нозиклик ётади. Халқ ижодидаги ўзига хослик ҳам шаклий ва мазмуний гўзаллик асосида белгиланади.

Бундай мутаносиблик халқ ижодининг барча жанрларида мавжуд. Айниқса, мақол ва ҳикматларда кучли тарзда намоён бўлади.

Товушларнинг қатор келиши оҳангдошликни юзага келтиради. Мисранинг равонлигини силлиқлигини таъминлайди. Бундай ҳолатни кўпгина илмий адабиётларда умумий жиҳатдан такрор деб атайди. Хусусан, унли товушларнинг қатор келиши консонанс дейилади.² Адабиётшуносликда тавзий санъати деб аталиб, нутқни гўзаллаштирувчи воситалар сифатида талқин қилинади.³

¹ Ш.Шомақсудов, Ш.Ш.Шораҳмедов. Ҳикматнома. Тошкент, 1990 йил, 10-бет

² Қаранг: Р.Қўнғуров ва бошқ. Нутқ маданияти ва услубият асослари. 1992 йил

³ А.Рустамов. Сўз хусусида сўз. Тошкент, 1986 йил

Тавзиъ – арабча сўз бўлиб, тарқатиш, бўлиб тарқатиш, тақсимлаш каби маъноларни ифодалайди.⁴ Бу талқинларда умумийлик жиҳатдан қаралса, “такрорланиш” тушунчаси мавжуд эканлиги кўзга ташланади. Шунинг учун биз такрорланиш асосидаги “оҳангдошлик” номи билан аташни маъқул кўрдик. Унлиларнинг такрорланишини “унлилар оҳангдошлиги” ундошларнинг такрорланишини “ундошлар оҳангдошлиги” деб атадик.

Мақол ва ҳикматлардаги товушлар оҳангдошлиги оддий оҳангдошлик бўлмай, мазмуний жиҳатдан ҳам мутаносиблик асосида юзага келади. Масалан: “Синамаганнинг сиртидан ўтма” мақолида “С” ундошининг қатор келиши натижасида оҳангдошлик пайдо бўлган. Маънолар мослиги ҳам оҳангдошликка мутаносибдир. Мақолдаги “сирт” сўзининг ўрнида “уст” сўзини ишлатса ҳам бўлади. Бундай шаклий жиҳатдан ғализлик сезилмаса ҳам, мазмунан камбағаллик юзага келади. Таъсирчанлик озяди. Бундан ташқари товушларнинг оҳангдошлиги ҳам бузилади. Шаклий ва мазмуний тузилишдаги силлиқлик йўқолади. Шунинг учун “сирт” сўзи ўз ўрнида тўғри қўлланилган. Бу мақол шаклий тугалланмаган бўлса ҳам мазмунини тўла тушунишимиз мумкин. Тўла тушунишимизга турли хил ишора воситалари ёрдам беради.

“Синамаганнинг сиртидан ўтма” мақоли дастлаб мажозий тарзда “Синамаган отнинг сиртидан ўтма” шаклида айtilган. “От” сўзи умумлашма сифатида муайян нутқий шароитда ўз маъносида, бошқа ҳолатларда эса “инсон” маъносида қўлланилган. “Инсон” маъноси турли нутқий шароитларда хилма-хил маънолар ифодалайди. Масалан, “қиз”, “йигит”, “қуда”, “мусофир” ва ҳоказолар. “От” сўзи рамзий маънода ишлатиладиган бўлиб қолган. Рамзий маъно асосида турлича тағмаънолар юзага келадик, бу сўзловчи ва тингловчининг ўзаро шартномавий муносабатига ҳамда нутқий шароитига боғлиқ ҳолда кечади. Шунинг учун бу мақолнинг тағмаъноларини қуйидагича белгилаш мумкин бўлади.

1. Синамаган йигитга кўнгил қўйиб бўлмайди.
2. Синамаган қизга кўнгил қўйиб бўлмайди.
3. Синамаган жойдан қуда тутиниб бўлмайди.
4. Синамаган дўстга сир айтиб бўлмайди.
5. Синамаган жойга кириб бўлмайди.
6. Синамаган ҳайвоннинг олдига бориб бўлмайди ва ҳоказо.

Кўришиб турибдики, мақол ниҳоятда кенг қамровли бўлиб, турмушнинг жуда кўп қирраларини акс эттириши мумкин. Аммо муайян нутқий шароитда битта тағмаъноси билан иштирок этади, қолганлари эса инсоннинг умумий билим хазинасида имконият тарзида туради. Шунинг учун бу мақол “Синамаганнинг сиртидан” шаклида умумийлик касб этади. Мақолнинг шакл жиҳатдан соддаланишининг ҳам лисоний асослари бор. Бу мақол дастлаб ҳайвонга нисбатан айtilган бўлса ҳам, кейинчалик мазмунан кенгайиб, бошқа нарсаларга нисбатан ҳам қўлланилаверган. Натижада даврлар ўтиши билан “от” сўзи тушиб қолиб, бу сўзнинг барча хусусиятларини “Синамаган” сўзи олган, яъни отлашган “Синамаган” сифатдошидаги бўлишсизликнинг ишораси бутун

⁴ Навоий асарлари луғати. Тошкент. 1972 йил, 282-бет

мақолнинг мазмунига таъсир этган ва ўтма сўзини ҳам қолишига сабаб бўлган. Натижада “Синамаганнинг сиртидан” шакли юзага келган. Бу шакл барча нутқий шароит учун қўлланилиш имконияти кенгайган.

Юкоридагилардан маълум бўладики, мақоллардаги шаклий ва мазмуний гўзалликда мутаносиблик мавжуд бўлса, тузилиш жиҳатдан номутаносиблик бор. Яъни, шаклан қисқа бўлса ҳам, мазмунан мураккаб бўлади. Содда шакл мураккаб мазмун ифодалайди. Бундай номутаносибликнинг ҳам лисоний ва лисоний бўлмаган асослари бор. Улар турли кўринишларда намоён бўлади.

“Синамаганнинг сиртидан” мақоли муайян нутқий шароитда битта тағмаъноси билан иштирок этади. Яъни, сўзловчи ва тингловчининг ўзаро шартномавий муносабати орқали биттаси танлаб олинади. Шартномавий муносабат сўзловчи ва тингловчининг коммуникатив мақсади, нияти асосида белгиланади. Агар сўзловчи ва тингловчи ўртасида коммуникатив мақсад бирор қиз ҳақидаги нутққа қаратилган бўлса, у ҳолда мақол шу нутқий шароитга мослашади. Умумий билиш хазинамиздаги билимлар кўлами ҳам шунга қаратилади. Мақолнинг ишоравий маъносини тушунишга имкон яратади. Бир қанча шакллар ифодалайдиган мазмунни тушуниб етиш имкони туғилади. Яъни, қиз боланинг ташқи кўриниши, одоби, юриш-туриши, уй тутиши кабилар “Синамаган” сўзи орқали англашилади. “Сиртидан” сўзи эса олдиндан ҳукм чиқариш, хулосалаш каби маъноларни ифодалайди. “Синамаган” сўзининг бўлишсизлик –ма шакли бутун мақол мазмунига тааллуқли бўлиб, қиз болани билмай туриб, олдиндан ҳукм чиқариш хато бўлиши мумкинлигига ишора қилади. Шунинг учун содда шакл остида мураккаб мазмун акс этади. Бундай мазмунни тушунишга тағбилим ёрдам беради. Шу сабабдан мақолларда “Коса тагидаги ним коса” маъноси аҳамиятли бўлади. Ишоравий маъно биринчи планда туради.

Мақол ва ҳикматларда аллегория орқали ҳам турли тағмаънолар ифодаланиб, мазмун сиғимини оширади. Масалан: “Бўйнида иллоти бор итнинг оёғи қалтирайди” мақолида “ит” сўзи аллегорик ифодага эга бўлиб, умумий жиҳатдан “инсон”, “одам” маъноларини ҳам англатади. Мақолдаги “ит” сўзи мазмунни ниҳоятда кучайтирган. Чунки ит ҳар қандай шароитда ҳам инстинкт асосида кўринган нарсага ташланиши, кўрқмаслиги мумкин. “Оёғининг қалтираши” эса “иллат” сўзига боғлиқ ҳолда мазмунан мослашган. Натижада “ҳатто иллоти, нуқсони бор итнинг ҳам оёғи қалтирайди” маъноси юзага келган. Бунда ҳам шаклий, ҳам мазмуний мутаносиблик мавжуд. Ўз маънода ҳам, кўчма маънода ҳам барча нутқий шароит учун қўлланилиши имконига эга.

Агар “ит” сўзининг ўрнида “одам”, “инсон” сўзи қўлланилса, шаклий жиҳатдан ғализлик сезилмаса ҳам, мазмунан камбағаллик юзага келади. Мақолдаги тағмаъно у даражада кучаймаган, мазмунан мураккаблашмаган ва барча нутқий шароит учун баробар қўлланилиш имконига эга бўлмаган бўларди. Шунинг учун “ит” сўзи ўз ўрнида тўғри қўлланган ва ўз маъносида ҳам, кўчма маънода ҳам мутаносибликни юзага келтирган. Барча нутқий шароит учун қўлланиш имконини яратган.

Мақоллар ва ҳикматларда қарама-қарши муносабат кучли тарзда ифодаланади. Бундай ҳолат мақолнинг мазмунига ҳам таъсир этади. Турлича

тағмаёноларни юзага келтиради. Масалан: “Тўғри одам эгри сўздан ор қилар”, “ширин ёлғондан аччиқ ҳақиқат яхши”, “Яхши сўз жон озиғи, ёмон сўз – бош қозиғи”, “Яхшилик нур келтирар, ёмонлик зулмат”, “Майда гап катта ишни ғарқ қилади” каби мақолларда антонимик муносабатдаги сўзлар ишлатилган. Антонимик - қарама-қарши зид муносабатдаги сўзлар мақолларнинг мазмун сиғимини оширган. Баъзан бундай мақоллар тўла шаклланмаган бўлиши ҳам мумкин. Тўла шаклланмаса ҳам тушунарли бўлиши зиддош - қарама-қарши маъноли сўзларнинг ўзаро муносабатдорликдаги алоқаси натижасида юзага келади. Чунки бундай сўзлар бир-бирига ишора қилиш хусусиятига эга. Яхши сўзи ўзаро маъно муносабатдорликда матнда ёмон сўзига ишора қилади. Ёки ширин сўзи аччиқ сўзига ишора қилади. Натижада матнда антонимик муносабатдаги сўзлардан бири иштирок этса, мазмунан иккинчи жуфти ҳам тушунилаверади. Масалан: “Дили тўғрининг йўли тўғри”. Бу мақолнинг ишорасидан “Дили эгрининг йўли эгри” мақолини ҳам тушуниш мумкин.

Мақоллар ва ҳикматларда турли воситалар асосида тағмаёнолар ифодаланади. Тағмаёноларнинг юзага келишида бадиий ифода воситалар, омонимик, синонимик, антонимик муносабатлар восита бўлади. Мақол ва ҳикматларнинг лисоний таҳлили шу соҳадаги кемтик жойни тўлдириши мумкин. Чунки мақолларнинг бадиий қийматини, таъсир қувватини белгилашда лисоний таҳлил қўл келади ва мақолларнинг туб моҳиятини очиб беради.

ТАСАВВУФДА ТАГМАЪНОЛАРНИНГ ЛИСОНИЙ АСОСЛАРИ

Кейинги даврларда тасаввуфни ўрганиш ниҳоятда кучайди. Натижада тасаввуф илмий қайта жонланди. Унинг турли хусусиятларини ёритувчи асарларда майдонга келади.¹ Бу асарларда тасаввуф йўли ва унинг моҳияти ҳақида ажойиб фикрлар баён қилинган.²

Тасаввуф тадқиқотига бағишланган илмий ва бадиий асарларда бу тариқатнинг асосий йўли, бу йўлдаги йўловчилар, бу йўлнинг моҳияти ҳақида хилма-хил қарашлар, фикрлар мавжуд. Аммо лисоний таҳлил қилинмаган. Биз ушбу бўшлиқни тўлдириш мақсадида тасаввуф оламига саёҳат қилмймиз. Биз тасаввуфда маънолар нималар асосида юзага келишини асослашга ҳаракат қиламиз.

Тасаввуф тариқатининг вакиллари ўз мақсадлари ва ниятларини ишоравий маънолар орқали юзага чиқарганлар. Шунинг учун яқин-яқин кунларга қадар тасаввуфдаги ишоравий маъноларни тушунмай тўғри тадқиқ қилиб келдилар. Ана шу сабабдан тасаввуфдаги ишоравий маънолар тагмаъноларни лисоний таҳлил қилиш жуда зарур.

Тасаввуфдаги тагмаънолар турли асосларга кўра тушунилади. Унда рамз-тимсол ниҳоятда кучли бўли, образли ифодалар тузишда кенг қўлланилади. Рамзий маъноларни тўғри англаш тасаввуфни холисона баҳолаш имконини яратади. Чунки тасаввуф холислик таълими. Тасаввуф – софлик. У “қулликка белни маҳкам этишга чорласа-да, Ҳақ қулларининг нақадар аклий, маънавий, ахлоқий имтиёзларга эга эканлигини амалда исботлайди.”³ Шунинг учун бу тариқат вакиллари яратган ёдгорликлари бу асарларнинг мазмуний рамзий асосларга қурилган бўлиб, уни тўғри англаш учун ўта зукко ақл эгаси бўлиши зарур.

Тасаввуфда ҳар бир сўзнинг ишоравий маъноси бор. Тузилган матнда сўзлар ишоравий маънолари билан аҳамият касб этади. Агар уни тўғри – ўз маъносида тадқиқ этилса, биз кутган маъно чиқмайди. Масалан:

Золим агар жафо қилса Олло дегил
Илкин очиб, зоре қилиб, бўйин сургил,
Ҳақ додинга етмас бўлса гила қилгил,
Ҳақдин эшитиб бу сўзларни айдим мано.

(Аҳмад Яссавий)

Бу тўртликнинг биринчи сатрида “Золим агар жафо қилса, Олло дегил” жумласи бор. Ундаги золим сўзи зулм қилувчи, зулмкор маъносини билдиради. Биз тўғридан тўғри “Золим зулм қилса, индама, Олло деб, бўйинсун” тарзида таҳлил қиладиган бўлсак, хато бўлади. Турғунлик йилларида шундай таҳлил қилинган ҳам.¹

¹ Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърият. Тошкент. 1991 йил. Иброҳим Ҳаққулов. Шеърият – руҳий муносабат. Тошкент, 1989 йил

² З.Жўраев. Ўша асар. 21-бет

³ Иброҳим Ҳаққулов. Тасаввуф ва шеърият. Тошкент. 1991 йил, 5-бет

¹ Қаранг: Натан Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент. 1976 йил

“Золим” сўзини ишоравий маъноси ҳам бор. У “маънони тасаввуфий маъно” деса ҳам бўлади. Тасаввуфда “Золим” сўзи “нафс”га нисбатан қўлланган. Нафс кишиларни турли кўйга солувчи золим сифатида таърифланган. Аҳмад Яссавий бу ҳикматида “нафс”нинг қилмишларидан қутулиш йўлини кўрсатиб беради. Яъни, “Нафсинг сени турли йўлларга етакласа, Ҳаққа бўйин сунгин. Ҳақ додингга етмаса, гина қилгин. Мен Ҳақдан эшитиб, бу ҳикматларни айтдим”.

Риёзатни қаттиқ тортиб қонлар ютуб,
Ман дафтари соний сўзни очдим мано.

(Аҳмад Яссавий)

“Риёзат” – арабча сўз бўлиб, қийинчилик, машаққат, заҳмат ҳамда дунёвий ишлардан ўзини, нафсини тийиб, қийналиш, ўзини қийнаш маъноларини ифодалайди.²

Иккинчи бир луғатда риёзат сўзи арабча эканлиги кўрсатилиб, нафс хоҳиш қилган нарсалардан тортилиб, ўзини қийнаш, қийналиш, машаққатланиш³ каби маъноларни ифодалашни айтилади.

Тасаввуфда “риёзат” сўзи нафс хоҳиш қилган нарсалардан ўзини тийиб, Ҳақ йўлида қийналишдан ҳузурланиш маъносини ифодалайди. Чунки Ҳақ йўлига кирганлар бу йўлдаги азобдан роҳатланганлар. Шунинг учун байтдаги риёзат сўзини тасаввуфона маъносида тушуниш керак. Риёзат – оддий машаққат, қийналиш эмас.

Байтда “дафтари соний” бирикмаси ҳам юқоридаги тасаввуфона тағмаънога эга. Тасаввуфда “дафтар” сўзи оддий дафтарни эмас, илоҳий ишқ мазмунини ифодалайди. “Соний” сўзи арабча бўлиб, “иккинчи тартиб сонини дафтарни ифодалайди Бу бирикма “иккинчи дафтар” маъносини билдиради. Лекин унинг тағмаъносида “Аҳмад Яссавийнинг иккинчи дафтари” деган маъно ётмайди. Унда илоҳий “Дафтари аъмал” – “Амаллар дафтари”дан кейинги иккинчи илоҳий “датар” маъносига ишора бор.⁵ Яъни Аҳмад Яссавий ҳикматлари “Амаллар дафтари”дан кейинги иккинчи “илоҳий дафтар”дир. Шу сабабдан байт икки хил таҳлил қилиниши мумкин: 1. +ийналиб, риёзат тортиб, қонлар ютиб, мен иккинчи дафтар сўзини очдим. 2. Нафс хоҳишларидан ўзимни тийиб, қийинчиликлар ортида қонлар ютиб ва бу қийинчиликлардан ҳузурланиб, иккинчи дафтар, сўзини очдим. Бу иккинчи дафтар илоҳий “Амаллар дафтари”дан битилган ҳикматлар ишоравий маънолари – тағмаънолари асосида таҳлил қилинмаса, тўғри баҳосини топмайди. Шунинг учун тасаввуфда ишлатиладиган сўзларнинг тағмаъноларини лисоний таҳлили ниҳоятда зарур. Чунки тасаввуф тўғри тадқиқ этилмаса, жуда катта маънавий бойлик парда остида қолади. Масалан:

Фурқатингда эй пари тан куйдию жой йиғлади,
Дам-бадам худ қайғудин икки кўзим қон йиғлади.
Ҳеч даво йўқ дардим танамда бор они кўриб,

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-том. Москва, 624-бет

³ Навоий асарлари луғати. Тошкент, 1972 йил, 526 бет

⁴ Навоий асарлари луғати. Тошкент, 1972 йил, 569 бет

⁵ Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Тошкент, 1991 йил, 255 бе

Тўнни чок этди табибу дори-дармон йиғлади.

(Саккокий)

Бу ғазал таҳлилида ҳам икки хил йўлни, усулни кўриш мумкин. Биринчиси ўз маъносида, иккинчиси тасаввуфий маънода. Биринчи – ўз маъносида қуйидагича таҳлил қилиш мумкин: “Айрилиғингдин эй пари таним куйиб, жоним йиғлади. Узун тортган қайғу аламлардан икки кўзимдан қон окди. Танамдаги давоси йўқ бу дардни кўриб, табиб тўнини йиртди, дори-дармонлар ҳам йиғлади”.

Иккинчи – ишоравий маънода қуйидагича фикрларни айтиш мумкин. Унда сўзларнинг ишоравий маъноларини аниқлаб олиш зарур бўлади. Пари – ёр, маъшуқа – Худонинг тажаллеси. Дард – ошиғлик – Худога ошиғлик дарди. Табиб – ақл – Худога етиниш йўлига етакловчи ақл. Дори-дармон – сўзлар – худога етишиш йўлига чорловчи сўзлар. Ишоравий маънодаги таҳлилини кўриб ўтамиз: “Эй Оллоҳ, сендин айрилиқда таним вужудим куйиб, жоним йиғлайди. Бу дарднинг давоси йўқ. Бунни кўриб ақлим, сўзларим ҳам йиғламоқда”. Кўриниб турибдики, мазмун умуман ўзгарди. Мазмуннинг ўзгаришига сўзларнинг тағмаънолари таъсир этди. Шунинг учун тасаввуф унсурларини аниқ белгилаб, тўғри хулоса қилиш керак. Акс ҳолда байтнинг мазмуни сийқалашади.

“Табиб” сўзини “ақл” деб таҳлил этиш даҳо санъаткор Жалолиддин Румийда учрайди. У ўзининг бир рубойида табиб сўзини ақлга тенглаштиради:

Жонимки, ҳариф эрди, бегона эмиш,
Ақлимки, табиб эрди, девона эмиш.
Вайронага шоҳлар беришар ганж, ажаб,
Вайрона дилим ганж, ила вай, она эмиш.

(Жалолиддин Румий)

Хуллас, биз даҳо санъаткорларнинг беназир маънавий хазинасини ҳали етарлича таҳлил этиб, ўз баҳосини бера олганимиз йўқ. Ҳозиргача яратилган асарларда лисоний асосланиш етарлича ўз аксини топмаган. Шунинг учун тасаввуф тариқати намоёндаларининг асарларини тағмаъно шарҳи усулида таҳлил этиш тилшуносликнинг долзарб муаммоларидан биридир. Бу муаммо ҳам сўз таҳлили асосида ечилиши мумкин. Чунки сўз тасаввуфда илоҳий қудратга эга бўлган неъмат ҳисобланади. Шунинг учун сўзнинг илоҳий маъноларини таҳлил қилиб, лисоншуносликка киритиш зарурдир. Мирзо Бедил “сўз”нинг буюклиги ва қадимийлиги ҳамда илоҳийлигини қуйидагича талқин этади:

Шеърим менга неча юз забондин келадир,
Кўпдан бери, кўп вақту замондин келадир.
Таврот эмаски ул, то таҳмин этсам:
Бир йўла магарки осмондин келадир.

Ҳақиқатдан, бизнинг сўз ҳақида, унинг маъноси ҳақида билганларимиз жуда оз. Ҳали сўзнинг очилмаган қирралари кўп. Уни очиш, аниқлаш йўлида жуда кўп заҳматлар чекиш керак. Шунинг учун мен ушбу мақолани Мирзо Бедил рубойи билан якунламоқчиман:

Гардун ўзи - неча собиту сайёр эмиш,
Дарё ўзи – неча чашмаю анҳор эмиш.
Дунё ишидан ҳамиша воқиф бўлким,
Сен билганинг ул битта эмас: бисёр эмиш.

ИСМЛАР ОРҚАЛИ ИФОДАЛАНУВЧИ ТАГМАЪНОЛАР

Кишиларга қўйилган исмлар ҳам тилимиз бойлигининг таркибий қисми ҳисобланади. Ўзбек тили турли тарихий даврларда юзага келган хилма-хил исмларга жуда бой бўлиб, бу номлар ўзбек халқининг узок маданий ва маънавий қадриятининг ажойиб дурдоналаридан биридир. Чунки бу номларда халқимиз босиб ўтган зиддиятли тарихий йўл, кенг омманинг турли-туман орзу-умидлари, армонлари, фалсафий, диний маънавий-ахлоқий, тарбиявий-эстетик қарашлари, қадимий ўтмишидан гувоҳлик берувчи эътиқодлари, ўзига хос расм-русумлари, инсонларга бўлган ҳурмат-эҳтироми, фарзандига қаратилган меҳр-муҳаббати ўз ифодасини топган.¹ Шунинг учун исмларда тарих яширинган десак хато бўлмайди.

Тилшуносликда исмларни ўрганувчи соҳа ономастика деб номланади. Ономастика ҳозирги кунда ўзининг ривожланиш босқичига кўтарилмоқда ва дунё тилшуносларини турли қирраларига жалб қилмоқда. Шунинг учун ономастика билан боғлиқ бўлган турли ҳодисалар талқин этилмоқда. Лекин ономастика билан тағбилим – тагмаъно боғлиқлиги ҳамда айримлиги, хусусан, ўзбек тилшунослигида ҳали ўрганилмаган соҳалардан биридир. Биз қуйида ушбу бўшлиқни тўлдирувчи дастлабки изланишларни фикрингизга ҳавола қилмоқчимиз.

В.К.Кёке тагмаънони “инсон – олам” умумий қурилма (модель) орқали изоҳлаб, бундай умумий системада тилнинг фалсафий, руҳий, ижтимоий томонлари бирлашишини айтади. (2) Худди шу умумий системада ономастика ва тагмаъно бирлашади. Унда исмларнинг ишора маънолари бирлаштирувчи восита бўлади. Лекин ҳар қандай исм ҳам тагмаъно ифодалайвермайди. Тагмаъно ифодаловчи исмлар халқнинг турли урф-одатлари, ижтимоий келиб чиқиши билан боғлиқ бўлади ва матн ичида қўшимча маънога ишора қилади. Яъни “Коса тагида ним коса”ни ифодалаб, ўзи иштирок этган гапларнинг мазмуний тузилишини мураккаблаштиради. Гап яширинган фикрга ишора этади. Шунинг учун бундай исмлар иштирок этган гапларнинг мантиқий тузилишида икки ҳукм мавжуд бўлади.

Ўзбекларда Тўхтасин, Турғунбой, Эргашхон, Бўрихон, Машрабхон, Тўхтаҳон, Тўхтаҳон, Тўхташбой, Суннатилла, Сония, Тождидин, Тождимирза, Тождиниса, Тождихон, Одина, Одинахон, Одилжон, Ойдин, Ойтожи, Холдор, Холдорхон, Холбиби, Холисахон, Холбек, Холмирза каби исмлар борки, улар халқимизнинг турли урф-одатларини, эътиқодларини, расм-русумларини ифодалайди. Шунинг учун улар иштирок этган гапларда турлича тагмаънолар англашилади.

Масалан: Тўхтасин, Турғунбой, Турсунбой, Турғуной, Турсуной каби исмлар фарзандлари нобуд бўлаверган оилаларда қўйилади. Шу исм иштирок этган гапдан оиланинг юрак олдириб қўйган фожеаси ҳам акс этади. Турғуной сабаб унинг бошқа фарзандлари ҳам чекилмай катта бўлди, гапида Турғунойдан аввалги фарзандлари турмаган эканлиги англашилади.

Бўрибой, Бўрихон исмлари тиш билан туғилган чақалоқларга қўйилади. Бу исмлар иштирок этган гапларда ҳам халқимиз урф-одатларига ишора мавжуд бўлади.

Машрабжон ва Машрабхон исмлари она қорнида йиғлаган фарзандларга қўйилади. Аслида чақалоқлар она қорнида йиғламоқда. Оналарнинг ҳомиладорлик вақтида йиғлаганга ўхшаб туйилади. Шунинг учун бундай исмлар остида ҳам ишоравий маъно мавжуд.

Сония исми арабча бўлиб, “иккинчи” тартиб сонини билдиради. Шунинг учун оилада иккинчи қизга қўйилади. Тожиддин, Тожихон исмлари баданида қизил доғлари бор чақалоқларга қўйилади. Баъзан бу доғлар бола вояга етган сари йўқолиб кетиши ҳам мумкин. Лекин бу ном қизил доғ билан туғилганлигини билдириб туради. Холдор, Холисахон, Холбуви, Холбек каби исмлар эса баданида хол билан туғилган болаларга қўйилади. Кейинги даврларда “Катта хол” – “менг” билан туғилган чақалоқларга қўйиш расм бўлмай қолди. Одина, Ойдин, Одилжон исмлари жума куни туғилган фарзандларга қўйилади. Кўриниб турибдики, ўзбек исмларида халқимизнинг турли урф-одатлари, расм-русумлари, ижтимоий хусусияти акс этади. Шунинг учун бу исмлар иштирок этган гапларда юқоридагича урф-одатларга, ижтимоий хусусиятларга ишора маънолар яширин тарзда англашилиб туради. Бу эса исмларнинг тагмаънолари ҳисобланади. Тагмаъноларни англаш учун халқимизнинг турлича ижтимоий, диний, руҳий хусусиятларини, урф-одатларини тушуниш, билиш керак. Ана шундагина биз исмларга яширинган халқимиз тарихини англаб етамиз.

Ҳар қандай исм остида, у қайси тилда қўйилган бўлса, ўша тилда сўзлашувчиларнинг ўзига хос хусусиятлари акс этади. Бундан ташқари шу ном матн ичида ўзи якка ҳолда бир қанча синтактик бутунликлар ифодаладиган мазмунни англатади ёки бутун мазмунини белгилаши ҳам мумкин. Шунинг учун шоир ва ёзувчиларимиз асарлари қаҳрамонларига қўйиладиган исмларни ўта зукколик билан танлайдилар.

Айниқса, исм қўйиш борасида А.+аҳҳор ўзига хос усулга эга бўлган сўз санъаткори ҳисобланади. Унинг танлаган исмлари шу исм остидаги қаҳрамонларнинг бутун асар бошидан охиригача бўлган хатти-ҳаракатларини, хусусиятини белгилайди. Масалан: “Ўғри” ҳикоясининг бош қаҳрамонига +обил бобо исмини танлайди. Шу исм бу қаҳрамоннинг барча хусусиятини акс эттиради. Асарнинг мазмуни ҳам шу исм маъносига йўғрилгандай кўринади. Ёки унинг яна бир қаҳрамони Асрор бобо исми билан юритилади. Асар мазмуни ҳам шу исмга мос тарзда, шу исмни шаҳлаш учун хизмат қилган десак муболаға бўлмайди. Бу исмларни “гапирувчи исмлар” деса ҳам бўлади. Чунки асар қаҳрамонининг хусусиятини, ҳулқини, хатти-ҳаракатларини яширин тарзда исм англашиб туради. Шунинг учун қаҳрамонларга исм танлашда ҳам шу исмнинг маъносига, ишора хусусиятига эътибор бериш ниҳоятда зарурдир.

Акс ҳолда, асар мазмуни билан қаҳрамон исми ўртасида номутаносиблик вужудга келади. Бу эса асарнинг муваффақиятли чиқишига тўсқинлик қилади.

Исмлар нутқий жараёнда муайян нутқий шароит учунгина ахборот воситаси бўлиши мумкин. Ахборот воситаси бўлиши учун сўзловчи ва

тингловчи ўртасида шартномавий муносабат мавжуд бўлиши зарур. Агар шартномавий муносабат мавжуд бўлмаса, исмининг ахборот бериш кўлами тораяди. Масалан: Аҳмад келди. Бу гапдаги “Аҳмад” исми сўзловчи ва тингловчига таниш бўлсагина ахборот беради. Таниш бўлмаса, Аҳмад исмли одам келганлиги тушунилади холос. Шунинг учун муайян нутқий шароитда бу исм тағмаёно ифодаланиши учун сўзловчи ва тингловчига таниш бўлиши, қарга кетганлиги, қачон келиши маълум бўлиши мумкин. Баъзи исмлар муайян нутқий шароитда салбий маъно англатиб, бошқа нутқий шароитда ижобий маъно ифодаланиши ҳам мумкин. Бундай ҳолат исм эгасининг ахлоқи, хусусиятига боғлиқ тарзда юзага чиқади. Шунинг учун маълум қишлоқ ва маҳаллаларда ижобий маъно билдиради. Бундай исмлар шу жиҳати билан матн ичида турлича тағмаёнолар англатиб келади. Матн ичида шундай исмлар борки, улар лақаб деб юритилиб, баъзан киши номларига қўшиб айтилади. Уларга қассоб, ошпаз, муаллим, қўшиқчи, ҳофиз, тракторчи, пичоқчи қабиларни киритиш мумкин. Бу лақаблар касбига, ахлоқига, хусусиятига кўра қўйилади. Матнда лақаб эгаларини касбини, юриш-туришини, хатти-ҳаракатини ифодалаб, турлича тағмаёноларга ишора қилади.

Муайян нутқий шароитда кишилар ўз исми билан эмас, қариндошлик исмибилан аталади. Бунда ҳам сўзловчи ва тингловчи ўртасида шартномавий муносабат бўлсагина тушунарли бўлади. Бундай муносабат мавжуд бўлмаса, ахборот кўлами тораяди. Ёки қўшимча шарҳлар зарурати юзага келади. Масалан: Ота, она, ака, ука, опа, тоға, буви,бува, почча, қайнота, қайнона қаб қариндошлик атамалари юқоридагича вазифани бажаради. Лекин шу атамалар остида ҳам турлича тағмаёнолар ифодаланади. “Қариннинг қайнотаси келди” гапида “Қарин уйланган” деган тағмаёно бор.

Баъзи ҳолларда мутлақо қариндошлиги бўлмаган кишилар учун ҳам ота, она, опа, ака, ука, тоға, почча атамалари ишлатилади. Бу ҳурмат юзасидан, ёши улуглиги нуқтаи назаридан қўлланилади. Бундай ҳолатларда ҳам хилма-хил тағмаёнолар юзага келади. Бунинг учун муайян нутқий шароит ва ўзаро шартномавий муносабатлар мажмуаси бўлиши зарурдир. Чунки тилдаги исмлар, олмошлар, ёрдамчи сўзлар, муайян нутқий шароитда маъно англатади. Уларнинг маънолари “Коса тагида ним коса” тарзида юзага чиқади. Шунинг учун тағмаёно билан ономастика ўзаро алоқадорликда таҳлил этилишни талаб қилади. Айниқса, топонимлар (жой номлари), гидронимлар (сув ҳавзалари номлари)нинг ўзига хос қирралари юқоридагича алоқадорликда очилади. Бу ҳозирги давр тилшунослигининг долзарб ва ўз тадқиқотчиларини кутаётган муаммолардандир.

**СЎЗНИНГ МАЪНО ЖИЛОЛАРИ
СЎЗЛАРНИНГ ТАГМАЪНОЛАРИ ҲАҚИДА**

**ШАРҚОНА ЛУТФ
АСКИЯДА КУЛГИ ҚЎЗҒАТУВЧИ ВОСИТАЛАР**

**ҲИКМАТЛАР ВА МАҚОЛЛАРНИНГ
МАЗМУНИЙ-ГРАММАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ
ТАСАВВУФДА ТАГМАЪНОЛАРНИНГ ЛИСОНИЙ АСОСЛАРИ
ИСМЛАР ОРҚАЛИ ИФОДАЛАНУВЧИ ТАГМАЪНОЛАР**